

297

Б-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

«Абул Баракот Насафий
ҳаёти ва илмий ижоди»

297
Б-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

«Абул Баракот Насафий ҳаёти
ва илмий ижоди»

„Тошкент ислом университети“
нашриёт-маъбадир маркази
Тошкент – 2013

Toshkent islom universiteti

Asbobot resurs markazi

Inv. № 23348

2013 yil "10" mart

Давронбек Махсудов т.ф.н.

Масъул муҳаррир: **З.М. Исломов фил.ф.д., проф.**

Тақризчилар: **Ҳ.Ҳ. Йўлдошхўжаев, т.ф.н., доц.**

Д.О. Раҳимжонов, т.ф.н., доц. Н.Х. Ҳошимов

Рисолада тафсир, ақида, ислом ҳуқуқшунослиги соҳаларига оид мўътабар асарлари билан ислом дунёсида машҳур бўлган Абул Баракот Насафийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилади. Олимнинг қарийб саккиз асрдан бери қўлдан-қўлга ўтиб ўқиб келинаётган, дунёнинг турли диний таълим муассасаларида ўқитилиб, қайта-қайта нашр этилаётган асарларининг мазмуни, бугунги кундаги аҳамияти, илмий меросининг ислом маданияти ривожига тутган ўрни таҳлилий ёритилган. Шунингдек, Насафийнинг устоз ва шогирдлари, Қуръонни тафсир қилиш, ақидавий масалаларни талқин этиш услублари ҳақида сўз юритилган.

Рисола исломшунос мутахассислар ҳамда аждодлар ҳаёти, илмий мероси ва тафсир илмига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2012 йил 18 июнь
№1401-рақамли тавсияси билан чоп этилди.*

*Тошкент ислом университети Маслаҳат ва Илмий кенгаши
мажлисининг 2012 йил 30 май 10-сонли қарори билан нашрга
тавсия этилган.*

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.

СЎЗБОШИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бери юртимиз тарихи, халқимизнинг бетакрор маданияти илдилари, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маънавий мерос, диний ва миллий қадриятларни манбалар асосида ўрганиш, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга катта аҳамият берилмоқда. Мовароуннаҳрдан етишиб чиқиб, ўзининг қимматли илмий асарлари билан нафақат ислом оламида, балки бутун дунё маданиятида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий (810-870), Абу Мансур Мотуридий (870-944), Абул Муин Насафий (1027-1114), Абу Ҳафс Насафий (1068-1142) каби алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини ўрганиш, асарларини нашр этиш бўйича олиб борилаётган ишлар фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз»¹.

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами, Т. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 214-215.

Ана шундай буюк аждодларимиздан бири Абул Баракот Насафийдир (ваф. 710/1310 й.). У мўғуллар истилоси натижасида вужудга келган илмий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиб, тафсир, фикҳ ва ақида илми каби соҳалардаги етук билими ва бебаҳо асарлари билан минтақада илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшди. Айнан Абул Баракот Насафий каби олимлар ўша мураккаб даврда ҳам илм-маърифат булоғини ўз асарлари орқали кейинги авлодларга етказиб бера олди. Айни пайтда, олим асарларида баён этилган, таҳлил қилинган масала ва мавзулар ижтимоий-маънавий ва илмий нуқтаи назардан бугунги кунда улкан аҳамиятга эгаллигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Абул Баракот Насафий ўз асарларида ҳанафий мазҳабининг бағрикенглик тамойилидан келиб чиқиб, ечимини кутаётган ижтимоий, диний, ғоявий масалалар жавобини шариат манбалари асосида топиш, одамларга илоҳий маъноларни соф ҳолида етказиш, инсониятни доимо бирлик, ҳамжиҳатлик ва тинчлик сари чақиришга интилди.

Маълумки, ислом динини байроқ қилиб олган бузғунчи оқим ва тоифалар Куръон оятларини ўз манфаатларига мослаб нотўғри талқин ва тафсир қилишга ва шу йўл билан одамларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракатлар ортида Аллоҳ номи билан манфур ишларни оқлашга интилаётганларини англаш қийин эмас. Ваҳоланки, бундай ёндашув ислом таълимотига бутунлай зиддир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Куръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа

динларга мураса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади»².

Шундан келиб чиқиб, Қуръоннинг моҳияти соф ҳолида талқин қилинган тафсирларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Насафийнинг «Тафсир ан-Насафий» номи билан машҳур бўлган «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» («Қуръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари») китобини алоҳида айтиб ўтиш керак. Ушбу асарнинг қимматли томонларидан бири шуки, унда ўша давр оқим ва фирқа вакиллари оятларни нотўғри талқин этишлари ақлий ва нақлий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Шу жиҳатдан қараганда, унда ҳозирги экстремистик руҳдаги йўналиш ва тоифаларнинг Қуръонни ўз қарашлари бўйича тафсир қилишларига ҳам қарши жавоб бўлувчи илмий-асосли далиллар мавжуд. Бундан ташқари, унда ақидавий ва фикҳий оятларнинг халқимиз урф-одати, анъана ва қарашларига мос бўлган мотуридийлик таълимоти, ҳанафийлик мазҳаби асосида ёритилгани маънавий бойлигимиз ҳамда миллий қадриятларимизни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга молик.

Умуман олганда, Насафий асарларини чуқурроқ ўрганиш турли қарашларга сабаб бўлаётган масалаларга жавоб топишда, диний экстремизм ва терроризм ғояларига қарши раддиялар беришда, айниқса, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб тарзда, ватанпарварлик, эзгулик, меҳроқибат ва садоқат руҳида тарбиялашда улкан аҳамиятга эга.

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 14 жилдда. – Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.1. – Б. 164.

АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Қадим Мовароуннахрнинг Насафидан етишиб чиққан забардаст олимлардан бири Абул Баракот Насафийнинг тўлиқ исми – Ҳофизуддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий бўлиб, «ал-Мавсуат ал-арабийя ал-муйассара» («Арабча кичик қомус») асаарида келтирилишича, аллома 629 ҳижрий – 1232 милодий йилда таваллуд топган. У ўзининг тафсир, ақида ва фикҳ соҳаларидаги етук илми билан машҳур бўлди. Манбаларда олим ҳақида қисқа ва бир-бирини такрорлайдиган маълумотлар берилган, холос. Бироқ олимнинг асарлари унинг бой илмий салоҳияти, тафсир, ақида, фикҳ каби илмларни пухта билишидан далолат беради. Шу боис ҳам, олимнинг асарларини нафақат юртимиз, балки хориждаги илм аҳли ҳам улкан эътибор билан мутолаа қиладилар.

Насафийнинг ёшлик даври диний-илмий муҳитда ўтган, Бухорода таълим олиб, илм талабида кўплаб мамлакатларга борган ва катта обрў-эътибор топган. Илмий доираларда катта шуҳрат қозонган. Тахминан 1280 йилларда Кирмон шаҳридаги «ал-Қутбийя ас-султонийя» мадрасасида мударрислик қилган. Сўнг Бағдодга келиб, у ерда талабаларга таълим берган. Насафий жуда тақводор ва диёнатли ҳаёт кечирган. Араб ва форс тилларида асарлар ёзган.

Аллома умрининг охирида Бағдодга келган ва 1310 йилнинг август ойида (ҳижрий 710 йил рабиул аввал ойининг жума куни кечаси) вафот этган ҳамда Исфаҳон яқинидаги Изаж шаҳрида (Хузистон ва Исфаҳон оралиғида) дафн қилинган.

Манбаларда Абул Баракот Насафийнинг устозларидан учтаси санаб ўтилган. Улардан бири, ўз даврининг етук олими Шамсул-аимма Абул Важд Муҳаммад ибн Абдуссагтор ибн Муҳаммад Имодий Кардарий бўлиб, у 1202 йилда Хоразмда таваллуд топган. Кардарий ёшлик давридан илмга чанқоқ бўлиб, дастлаб Хоразмнинг ўзида, кейинчалик Самарқанд ва Бухорода машҳур «Фатово Қозихон» муаллифи Фахруддин Қозихон (ваф. 1195 й.) ва «ал-Ҳидоя» соҳиби Бурҳонуддин Марғиноний (ваф. 1197 й.) каби буюк устозлардан таълим олган. Кардарий 1244 йилда вафот этган ва Бухорода, Абдуллоҳ Субазмуний қабри ёнида дафн этилган.

Шамсул-аимма Кардарий ақида илмига оид «Таъсис ал-қавоид» («Қоидаларни жорий этиш») номли китоб ёзган. Илмда катта шухрат қозонган Кардарий кўп китоб ёзмаган бўлса-да, нодир асарларнинг бизгача етиб келиши ва ўнлаб шогирдларнинг тарбияланишида катта хизмат қилган. У Бухоролик буюк фақиҳ Абу Зайд Дабусийдан (ваф. 1063 й.) кейин фикҳ илмини қайта тирилтирган зот деб эътироф этилган ва беназир олим сифатида «Шамсул-аимма» («Имомлар қуёши») номига сазовор бўлган. Тарихда бундай номга мушарраф бўлган олимлар жуда кам бўлиб, улар «ал-Мабсут» асари муаллифи Шамсул-аимма Ҳалвоний, Шамсул-аимма Сарахсий ва Шамсул-аимма Заранжарийлардир. Улар ҳанафийлик мазҳаби бўйича мусулмон оламида мўътабар алломалар сифатида эътироф этилади.

Насафийнинг Абу Ҳанифагача бўлган устозлар шажараси қуйидагича: Шамсул-аимма Кардарий, Ҳасан ибн Али Марғиноний (ваф. 1203 й.), Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (ваф. 1141 й.), Маҳмуд

ибн Абдулазиз Ўзгандий, Шамсул-аимма Абу Бакр Муҳаммад Сарахсий (ваф. 1090 й.), Шамсул-аимма Ҳалвоний (ваф. 1063 й.), Абу Али Насафий (ваф. 1013 й.), Абу Бакр Фадл (ваф. 991), Абдуллоҳ Субазмуний (ваф. 951 й.), Абу Ҳафс Сағир, унинг отаси Абу Ҳафс Кабир, Имом Муҳаммад Шайбоний, Имом Абу Ҳанифа. Кардарийнинг юқоридагидан ташқари Абу Ҳанифага етиб борадиган бошқа устозлар силсилалари ҳам мавжуд.

Бундан ташқари Насафий Бадруддин Хоҳарзода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим (ваф. 1253 й.) ва Ҳамидуддин Дарир Али ибн Муҳаммад ибн Али Ромиший Бухорийдан (ваф. 1267 й.) ҳам сабоқ олган.

Манбаларда Насафийнинг санокли шогирдларигина зикр қилинган. Жумладан, улар қаторига «Мажмаъ ал-баҳрайн» («Икки денгизнинг бирлашиш жойи») асарининг муаллифи Музаффаруддин ибн Соатий (ваф. 1294 й.), «ал-Ҳидоя» шарҳловчиларидан бири Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож Сиғнақий (ваф. 1314 й.) ва Муҳаммад ибн Муҳаммад Жилийлар киради.

Насафий исми айtilганда унга кўпинча «Абул Баракот» ёки «Ҳофизуддин» деган номлар ҳам қўшилади. Албатта, бу сўзларнинг ўз маъноси бўлиб, ўз навбатида олимнинг юқори илмга эгалигидан далолат беради. «Ҳофизуддин» номи «динни ҳимоя қилувчи» маъносини англатади. Мазкур шарафли номга муяссар бўлишида унинг соф ислом динини ҳимоя қилгани, бу динга оид илмларни чуқур эгаллаб, уларни тарқатгани каби хизматлари сабаб бўлган. Бундай номга Абул Баракот Насафийдан ташқари Абул Фадл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн

Наср Кабир Бухорий (Шамсул-аимма Кардарийнинг шогирди) ва Фақиҳ Ибн Баззозий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳоб ибн Юсуф Кардарийлар (ваф. 1423 й.) ҳам сазовор бўлганлар.

«Абул Баракот» «баракалар отаси» ёки «баракалар эгаси» мазмунини билдириб, у ҳам илмда барокотли бўлган инсонларга нисбатан қўлланиладиган кунядир. Бу куняга **Насафий**дан ташқари **Шайх Муҳаммад** ибн Аҳмад ибн Саид Тикритий (ўз замонасининг адиб ва шоири) ва **Ҳибатуллоҳ** Бағдодий Баладий (файласуф ва физик олим, 1077-1164) ҳам мушарраф бўлганлар. Кўриниб турганидек, бундай шарафли номларга баъзи олимларгина сазовор бўлган, холос.

Абул Баракот Насафий кўпчилик томонидан эътироф этилгани ва унинг асарлари қимматли бўлгани учун ҳам ўрта асрлардан то ҳозирги давримизгача бир қанча олимлар унинг ҳаёти ва қўлёзмаларини ўрганиб келмоқда. Жумладан, Муҳаммад Шафиқ Ғирбол «Ал-Мавсуат ал-арабийя ал-муъассара», Абдулҳай Лакнавий «Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя», Мавлоно Тошкўпризода «Табақот ал-фуқаҳо», Ҳожи Халифа «Кашф аз-зунун», Шамсуддин Довудий «Табақот ал-муфассирин», Муҳаммад Хусайн Заҳабий «Ат-тафсир ва-л-муфассирун», Амир Абдулазиз «Дирасот фи улум ал-Қурон», Манноъ Қаттон «Мабоҳис фи улум ал-Қуръон» асарларида Насафий ҳақида қимматли маълумотларни келтирганлар. Абу Адиб Мухйиддин ва Юсуф Али Бадъавийлар алломанинг «Тафсир ан-Насафий» асарининг тадқиқотини нашр эттирганлар. Яна бир олим Абдульол Аҳмад Насафий тафсирига «Маони ва

изоҳот ала Тафсир ан-Насафий» («Тафсир ан-Насафий асарига маъно ва изоҳлар») номли шарҳ битган. Улар қатори Дамашқдаги Шариат илмлари институти магистри Умайя Бадруддин 1990 йилда «ан-Насафий ва минҳожуху фи-т-тафсир» («Насафий ва унинг тафсирдаги услуби») мавзуида тадқиқот ишини ёзган. Тадқиқотчи олимлардан бири Мунаввар Атиқ Ризвий ҳам аллома ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мақола чоп эттирган. Ғарб олимларидан К.Броккельман, Ф.Мюллерлар ўз тадқиқотларига Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси тўғрисидаги керакли маълумотларни киритганлар.

Олимлар Насафийни ўрганиб, у ҳақда диққатга сазовор фикрларни ҳам берадилар. Хусусан, Абдулҳай Лакнавий уни «замонасида тенги йўқ комил имом, фикҳ ва усул ал-фикҳ олимларининг етакчиси, ҳадис ва унинг маъноларида ўткир олим бўлган», Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372-1449) эса «алломаи дунё», деб таърифлаганлар.

Яна уни қуйидагича тавсифлайдилар: «Шайх, улуғ имом, пешқадам аллома, Ер аҳлининг устози, суннат ва фарзнинг жонлантирувчиси, Қуръон маъноларини кашф қилувчи, таъвилнинг нозик жиҳатларини билувчи, Илоҳий калом таржимони, маъони ва баён илмлари соҳиби, фикҳ ва усул ал-фикҳнинг билимдони, ақлий ва нақлий масалаларнинг таянчи, дин ва миллат ҳимоячиси, ислом ва мусулмонлар етакчиси, пайғамбарлар илмлари меросхўри, етук мужтаҳид, муҳаққиқ олимларнинг машҳури».

Ибн Камол Бошо Насафий ҳақида: «Кучли билан заифни ажрата оладиган, асарларида мардуд сўзлар

ва кучсиз ривоятларни келтирмайдиган муқаллид, фақиҳ олимлар жамоасидандир. У билан ижтиҳод даври тугаган, ундан кейин мазҳабда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид қолмаган», – дейди.

Юқорида берилган фикрларнинг ўзи ҳам Насафийнинг ўз даврида юксак эътирофга сазовор бўлгани, кўплаб ислом динига доир илмларда унинг асарларидан кенг фойдаланилганидан далолат беради.

АСАРЛАРИ

Абул Баракот Насафий тафсир, ақида, фикҳ ҳамда усул ал-фикҳ (ҳуқуқий масалаларда асосий манбалардан ҳукм олиш услубини ўрганувчи илм) соҳаларида самарали ижод қилиб, бетакрор илмий аҳамиятга эга асарлар ёзган. Эҳтимол, олимнинг ўз асарларида динга оид бу илмларни қамраб олишига асосий сабаб мўғуллар даврида ушбу илмларни қайта жонлаштиришга эҳтиёжнинг пайдо бўлганидадир.

Абул Баракот Насафийнинг умумий ҳисобда 13 та илмий асари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси бизгача етиб келган. Бу асарларнинг 5 таси фикҳга (улардан 1 таси қиёсий ҳуқуқшуносликка), 4 таси ақоид илми, 3 таси усул ал-фикҳ ва 1 таси тафсирга оид. Мазкур асарларнинг 6 таси қўлёзма шаклида мавжуд бўлиб, қолганлари турли давр ва жойларда чоп этилган.

«Тафсир ан-Насафий» номи билан машҳур бўлган «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» («Қуръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари») китоби Насафийнинг энг машҳур асари бўлиб, у

муслмон оламидаги Куръонга ёзилган мўътабар тафсирлардан бири ҳисобланади. Олимнинг ушбу тафсири қолган асарлари ичида мавзу, услуб ва илмларнинг кенг қамровлилиги жиҳатидан шох асар ҳисобланади.

Насафийнинг «Умдат ал-ақоид» («Ақидалар устуни») асари қисқа бўлса-да, лекин ақидага тааллуқли муҳим масалаларни ўзида қамраб олганини қайд этиш лозим. Муаллифнинг ўзи унга шарҳ ёзган ва уни «ал-Иътимод» («Таянч») деб номлаган. Асарнинг Жамол ад-дин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Кувнавий (ваф. 1368-69 й.)га қарашли «аз-Зубда» («Қаймоқ»), XIV асрда яшаган Аҳмад ибн Аваз Донишманд ал-Ақшиҳарий ал-Ҳанафийнинг «ал-Инқод фи шарҳ умдат ал-иътиқод» («Умдат ал-иътиқоднинг қутқариш номли шарҳи») номли ва бошқа ўнга яқин шарҳлари мавжуд.

«Умдат ақидат аҳл ас-сунна ва-л-жамоа» («Аҳли сунна ва-л-жамоа ақидаси асоси», у «ал-Манор фи усул ад-дин» деб ҳам номланади) асари ҳам муаллифнинг ақида илмидаги эътимодли меросидан бири ҳисобланади. Шу сабаб ҳам у Лондонда тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиб, 1843 йилда чоп этилган.

Олимнинг ақида илмига оид яна икки асари – «Баҳр ал-калом» («Калом илми денгизи») ва «ал-Иътимод фи-л-иътиқод» («Эътиқоддаги таянч» «Умдат ал-ақоид»нинг шарҳи) китоблари ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси мотуридия таълимоти асосидаги суннийлар ақидасига бағишланган асарлардир. Дарҳақиқат, Насафий барча динларда энг муҳим бўлган эътиқод масаласига алоҳида урғу берган. Бу ҳам олимнинг мавзуни тўғри танлай

олиши ва албатта, мазкур илмни яхши билганидан далолат беради.

«Канз ад-дақоиқ» («Нозик масалалар хазинаси») номли асар Насафийнинг ислом ҳуқуқи бўйича ёзган мўътабар ва мўъжаз меросларидан бири саналади. «Канз ад-дақоиқ» китобида фикҳий масалалар кенг ёритилган, лекин муаллиф унда далил ва ихтилофларга батафсил тўхталмаган, балки оммага керакли бўлган манбалардан олинадиган ҳукмларга тўхталган. Асарда ибодат (намоз, рўза, закот, ҳаж), муомалот (одамлар ўртасидаги савдо, ижара, қарз каби муносабатлар), ҳадлар (жазо) каби турли масалалар баён этилган. «Канз ад-дақоиқ»да Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Имом Зуфар, Имом Молик ва Имом Шофийий каби ислом динининг етук мужтаҳид олимларининг қарашлари акс этган. Шу сабаб ҳам кейинги давр олимлари ўз илмий фаолиятларида унга таянадилар ва бу асар ҳанафий олимлари орасида кўп мутолаа қилинади. Олимлар уни машҳурликда «ал-Ҳидоя»дан кейинги ўринга қўядилар ва мўътабар китоблар сирасига киритадилар. Китобнинг форс ва урду тилидаги таржималари ҳам мавжуд.

«Канз ад-дақоиқ» асарига ўндан зиёд шарҳлар ёзилган. Унинг жами 7 та қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 7 та, 30 та қўлёзма нусхаси «Британия кутубхонаси»да ва 1 таси Покистоннинг Мултон шаҳрида сақланади. Йиллар мобайнида асар нусхалари бир неча бор қайта кўчирилган. 1890 йилда Қоҳирада, 1877, 1895 йилларда Лакнау ва бошқа шаҳарларда нашр этилган.

«Кашф аз-зунун» («Гумонларни очиш») асарида айтилишича, Насафийнинг «ал-Вофи» («Мукаммал») китоби «ал-Ҳидоя» қаторидаги манбалар сирасига киради. Абул Баракот Насафий «ал-Ҳидоя»га шарҳ ёзмоқчи бўлганда, ўша замоннинг буюк олимларидан Убайдуллоҳ Тож аш-шариа уни бу фикрдан қайтаради. Сўнгра, Абул Баракот фикҳга оид «ал-Вофи» ва унинг шарҳи «ал-Кофи шарҳ ал-Вофи» асарларини яратади. Бу билан у, гўё, «ал-Ҳидоя» китобини тасниф этиб, унга шарҳ битгандай бўлади. Мазкур асар бошқа машҳур китоблар қатори қатта обрўга эга бўлади. Унга Абул Бақо Муҳаммад ибн Аҳмад Маккий (ваф. 854/1450-51 й.) бири кенг ва бири қисқа бўлган иккита шарҳ битади.

«Ал-Вофи»да ислом ҳуқуқшунослигининг «ал-Жоми ас-сағир», «ал-Жоми ал-кабир», «аз-Зиёdot», «Мухтасар ал-Кудурий» каби машҳур асарлари ва фатво китобларидан кенг истифода этилган. Одатда мерос тўғрисидаги масалалар ҳуқуққа доир бўлсада, у инсоннинг вафотидан кейинги жараёнларга тааллуқли бўлгани учун фикҳий асарларда баён этилмай, балки алоҳида китоб сифатида ёзилади. Лекин Насафий бу одатдан фарқли ўлароқ «фароиз», яъни мерос илмини алоҳида бир боб тарзида мазкур китобнинг охирида келтиради. Бундай услуб ўқувчига барча ҳуқуқий масалаларни бир манбадан ўрганиш имкониятини беради.

Машҳур олимлардан Мавлоно Тошкўпризода уни мўътабар, Ҳожи Халифа мақбул, Абдулҳай Лакнавий нозик китоблар қаторида санайди.

«Ал-Вофи»нинг шарҳи саналган «ал-Кофи» («Кифоя қилувчи») асари Абул Баракот Кирмондаги мадрасада «ал-Вофи»дан дарс бериб

юрган кезларида (1285 й.) юзага келган. Чунки талабаларнинг «ал-Вофи»ни осонроқ ва тезроқ тушунишларига эҳтиёж сезилган. Абул Баракот талабаларнинг шу эҳтиёжини қондириш мақсадида унга шарҳ битган. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг жами 9 та нусхаси мавжуд.

«Ал-Мустасфо фи шарҳ ан-нофиъ фи-л-фуруъ» («ан-Нофиънинг фуруъ»га оид шарҳидан сайланма») китоби аллома Носируддин Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг (ваф. 1258 й.) ҳуқуқ соҳасидаги «ал-Фикҳ ан-Нофиъ» асарига ёзилган шарҳдир. Насафий унда ҳар бир масаланинг далилларини келтиравермайди, балки уларни мужтаҳидларнинг фикрлари орасида бериб ўтади. Асарда Абул Баракотнинг устози «ал-Манофиъ»нинг («Манфаатлар») муаллифи Али Ромиший ва кўпинча устози Кардарийнинг фикрларидан, «Усул ал-Баздави» асаридан фойдаланилган. Китобда ибодат, муомалот каби кўплаб фикҳий масалалар берилган. Олимлар уни муаллифнинг манфаатли ва мўътабар китобларидан бири сифатида қабул қиладилар. У «ал-Вофи» сингари «Таҳорат китоби» билан бошланиб, «Мерос китоби» билан якунланади.

Насафийнинг **«ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзумат ан-Насафийа фи-л-хилоф»** («Қиёсий ҳуқуқшуносликка оид Насафий назмини шарҳлаш бўйича сараланган асар») китоби 670 ҳижрий – 1272 милодий йилда ёзилган бўлиб, Нажмуддин Умар Насафийнинг асарига шарҳдир. Унда жами 10 та бобдаги 2669 та байтга шарҳ битилган. Асарда ҳанафийлик мазҳаби мужтаҳид олимларининг ихтилофли қарашлари байт ва қасидалар орқали

баён этилган. Унинг икки қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Олимнинг усул ал-фиқҳ илмига доир бўлган «ал-Манор» («Маёқ») асарида Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ҳукм олиш каби услублар баён этилган. У усул ал-фиқҳ соҳасидаги қисқа, лекин жуда фойдали ва ҳанафий мазҳабига оид энг машҳур асарлардан бири сифатида тан олинган. Муаллиф уни ҳанафий мазҳабининг икки буюк имоми – Паздавий ва Сарахсийнинг усул китоблари асосида ёзган. Унга баъзи ўринлардан ташқари қўшимчалар киритмаган, тартиб усули ҳам деярли Паздавийнинг тартиб усулига ўхшаб яхши тартибланган ҳамда дақиқ сўзлар, латиф иборалар қўлланилган.


Ҳанафий мазҳабининг ҳижрий XV асрда яшаган машҳур олимларидан бири Ибн Айний бу асарга: «Мен усулга оид бунга тенг келадиган асарни кўрмаганман», – дея таъриф берган. Ҳожи Халифа эса: «У асарларнинг асари, қисқа, кенг қамровли, фойдали, ўзига ўхшаш кенг ва ихчам китоблар ичида кўп ўқиладигани, ҳажми кичкина, матни қисқа бўлиши билан бирга, ҳақиқатларга тўла денгиз, дақиқ (ибора)лардан иборат хазина сингаридир», – деб эътироф этган.

«Ал-Манор»да Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари ўртасида муомалада бўлган масалалар кўп зикр қилиниши баробарида, аксар ҳолларда Имом Шофийга раддиялар берилган ва баъзан Имом Молик фикрларидан фойдаланилган. Ушбу мўътабар манба илм аҳли томонидан яхши қабул қилиниб, юртимиз ва хориждаги диний таълим муассасаларида усул ал-фиқҳдан ушбу фанга

оид «ат-Тавдиҳ» («Баён этиш») ва «ат-Танқиҳ» («Ойдинлаштириш») каби машҳур китоблар қаторида таълим муассасаларида ўқитилган, кўплаб шарҳлар, ҳошия, қисқартма ва назмлар битилган. Ибн Ҳабиб уни қисқа китоб шаклига келтирган. Жами 3 та қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Асар Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида 1870 йилда, Истанбулда 1908 йилда чоп этилган.

«Ал-Манор» асари ўқувчига янада тушунарли бўлиши учун муаллифнинг ўзи ҳам уни шарҳлаган ва бу шарҳни «**Кашф ал-асрор**» («Сирларни очиш») деб номлаган. Ушбу шарҳ асосида бошқа асарлар ҳам вужудга келган. Жумладан, Насафийнинг издошларидан Кофи Ақҳисорий «Кашф ал-асрор»ни таҳрир қилиб, мўъжаз бир китоб шаклига келтирган.

«**Доират ал-вусул ила илм ал-усул**» («Усул илмига етишиш йўли») асари ҳам олимнинг усул ал-фиқҳ илмига доир асарларидан биридир. У қўлёзма ҳолатида Покистоннинг Акурахтак шаҳри «Дор ал-улум ал-ҳаққонийа» кутубхонасида 4625/247 рақами остида сақланаётган бўлиб, у ҳақида библиографик адабиётларда зикр этилмаган. Фақат Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (Islamic Educational, Scientific and Cultural Organization – ISESCO) ҳомийлигида доктор Аҳмадхон томонидан чоп этилган «Фихрис ал-махтутот ал-арабийа ал-исломийа фи Бокистон» китобининг I жилдида маълумот берилган холос. Қўлёзма 1858 йилда кўчирилган. Кўчирувчининг исми ва кўчирилган жойнинг номи ўқиб кетгани боис уларни аниқлашнинг



Кўлёзма 166 варақдан иборат, насх хатида, афғон ёзувининг белгилари бор.

Юқорида келтирилган маълумотлар, олим ҳақида берилган фикр-мулоҳазалар, зикр қилиб ўтилган асарлар Насафийнинг диний илмлардаги кенг қиррали билими ва бой илмий меросидан далолат беради. Асарларда кўтарилган масалаларнинг долзарблиги боис уларга асрлар оша кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Улар нафақат ўша даврда, балки ҳозирги кунда ҳам катта эътибор билан ўрганилмоқда.

МУЪТАБАР ТАФСИР

Мавзуга киришишдан олдин баъзи бир таҳлилий маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқ. Тафсир ва муфассирлар ҳақида эътиборли асарлардан саналган Шамсуддин Довудийнинг «Табақот ал-муфассирин» ва Муҳаммад Хусайн Заҳабийнинг «ат-Тафсир ва-л-муфассирун» каби асарларидаги муфассирларни мазҳаб (йўл, йўналиш)лари бўйича таҳлил қилинганда, уларда шофийий тафсиршунос олимларнинг бошқа мазҳаб вакилларида кўра кўп экани аниқланди.

Довудийнинг «Табақот ал-муфассирин»идаги олимларнинг исмларига қўшилган «Шофийий», «Ҳанафий», «Моликий» сингари нисбатларга қараб ҳисобланса, шофийийликдаги 100 дан зиёд, ҳанафийликдаги 100 га яқин, моликий ва ҳанбалийликдаги 50 дан зиёд Қуръон шарҳловчиларининг таржимаи ҳоллари жамланганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, муътазилий ақидасидаги 15 дан зиёд, шиаликдаги

10 га яқин муфассирлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Шунингдек, унда мовароуннаҳрлик 15 дан зиёд йирик тафсиршунос алломанинг таржимаи ҳоли ҳам мавжуд.

Муҳаммад Заҳабийнинг «ат-Тафсир ва-л-муфассирун»ида эса 18 та машҳур тафсир асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Улардан 10 га яқини шофий, 3 та ҳанафий ва 2 та моликий мазҳабидаги китоблардир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳанафий ҳуқуқшунослигига оид фикҳ ва фатво китоблари бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ ёзилган. Бу, ўз навбатида, ҳанафийликда фикҳий масалаларга нисбатан катта эътибор берилганини кўрсатади. Лекин бошқа мазҳаблар қатори ҳанафийликдаги кўплаб қонун-қоидалар билвосита ёки бевосита Қуръондан олингани учун унда тафсирларга алоҳида аҳамият берилган. Шу сабаб, Қуръоннинг маъно-мазмунини пухта ўрганиш, ушбу мазҳаб олимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб келган.

Юқорида айтиб ўтилган фарқларнинг бўлиши ўша мазҳаб вакилларининг минтақавий жойлашуви, у ерда яшовчиларнинг менталитетига боғлиқ дейилса, хато бўлмайди.

Қуръонни атрофлича тафсир қилган олимлардан бири, шубҳасиз Абул Баракот Насафийдир. Унинг «Тафсир ан-Насафий» номи билан шуҳрат қозонган «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» асари илм аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўқиб келинаётгани, юртимиз ва хорижий диний таълим муассасаларида дарслик сифатида фойдаланилаётгани мазкур фикрнинг ёрқин далилидир.

Ушбу тафсирда оятлар ҳар томонлама, айниқса, араб тили қоидаларидан келиб чиқиб, пухта шарҳланган. Қуръон қироати, нозил бўлиш сабаблари ва бошқа аҳамиятли жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, мўътазилий, қадарий, жабарий, қарматий каби турли оқим вакилларининг қарашларига раддиялар берилган. Чунки мўғуллар даврида илм-маърифатнинг заифлашиши баробарида одамларни бирлаштирадиган ғоя ҳам сўнган. Бу ҳолатдан турли оқим ва тоифа вакиллари ўз ақидаларини ёйиш учун усталик билан фойдаланмоқчи бўлган бўлсалар керакки, Насафий анъанавий ислом таълимоти тарафдори сифатида халқнинг илмий, диний-маърифий, ижтимоий онгини ошириш билан бирга, уларни аҳиллик ва бирдамлик сари чақирган. Бундай пайтда ислом таълимоти кенг ёйилган ўлкаларда Қуръоннинг асл маъносини талқин этувчи муқаммал тафсирларга ҳам эҳтиёж сезилгани табиий ҳолдир.

Қайд этилган ижтимоий вазиятлар ушбу асарнинг вужудга келишига бир сабаб бўлса, иккинчиси, одамларда ихчам ва лўнда бўлган тафсирларга эҳтиёжнинг пайдо бўлганида эди. Чунки давр ўтиши билан кенг ва катта ҳажмда ёзилган асарларга зарурият камая борган. Учинчи сабаб сифатида диний ва дунёвий илмлар кенг ёритилган Қуръон шарҳларига талаб борлигини келтириш мумкин. Булар биз сўз юритаётган тафсирнинг кун талабига жавоб бера олади, дейишимизга асос бўлади.

Ушбу мулоҳазаларни муаллифнинг ўзи айтган қуйидаги сўзлари ҳам исботлайди: «Мендан

яқинларим Қуръонни таъвил қилувчи, турли қироатлар ва ҳаракат услублари кўрсатилган, аҳли сунна вал-жамоа ақидасига мувофиқ келадиган, адашганлар ва бидъат аҳли сўзларидан холи бўлган, малоллик туғдирмайдиган ҳамда тушунарсиз даражада қисқа бўлмаган тафсир ёзишимни сўрар эдилар. Мен дастлаб иккиландим. Ниҳоят, Аллоҳнинг тавфиқ ва инояти ила тафсир ёзишга киришдим ҳамда уни оз муддат ичида тамомладим. Китобимни «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» деб номладим. Аллоҳ барча ишларни энгиллаштирувчи, хоҳлаган нарсасини қилишга қодир ва дуони тез ижобат қилгувчи зотдир».

Дарҳақиқат, ушбу асар бошқа тафсир китоблари каби жуда кенг ёки жуда қисқа ҳам эмас, уни ўқиган киши ундан малоллик ҳам топмайди ёки маълумотнинг қисқалигидан тушунмай ҳам қолмайди. Муҳаммад аз-Заҳабийнинг «ат-Тафсир ва-л-муфассирун» китобида мазкур тафсир ҳақида шундай дейилади: «Насафийнинг тафсири узун ҳам эмас, қисқа ҳам эмас, «ал-Кашшоф»да мавжуд балоғат илмининг нозик қирралари ҳамда Қуръон маъноларини тушунтиришда дақиқ иборалар қўлланилган».

Олимлардан Қосим Қайсий шундай дейди: «У («Тафсир ан-Насафий») таъвилда ўртача, грамматика, қироат, балоғатнинг нозик ишораларини ўзида жамловчи, аҳли сунна вал-жамоа сўзлари билан бойитилган, бидъат ва залолат аҳли эътиқодидан холи, узун ва қисқа бўлмаган китобдир».

Субҳий Солиҳ эса, «Насафийнинг ўзи юқори даражали олимдир. Тафсирда аҳли суннани ҳимоя

қилиб, бидъат ва ҳаво аҳлига раддиялар беради. Унда грамматика, Қуръон қироати ва балоғати ихчам тарзда очиб берилган» мазмунидаги фикрни беради.

Замонавий араб олимларидан Абу Адиб Муҳйиддин мазкур тафсирнинг 1999 йилдаги Байрут нашрига муқаддима ёзиб, шундай дейди: «Бу китоб олдин ҳам, ҳозирда ҳам катта эҳтимом билан илм давраларида ва диний олийгоҳларда дарслик сифатида ўқитилади. Менинг ўзим унинг катта бир қисмини устозим шайх Абдурахмон Забийдан Дамашқдаги «ал-Ғарро» жамиятига қарашли Шариат илмлари институтида 1956 йилларда таҳсил олиб юрган кезларимда ўқиганман».

Мазкур тафсирнинг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида жами 14 та қўлёзма нусхалари мавжуд. Шу билан бирга, «Британия кутубхонаси»да, Қоҳирада, Ҳалабнинг Аҳмадия мадрасасида, Покистоннинг Баҳалавпур шаҳридаги Марказий кутубхонада, Исломободнинг «Миллий обидалар» кутубхонасида унинг ўнлаб қўлёзма нусхалари мавжуд.

Мазкур тафсир бир неча бор, жумладан, Байрутда 1982, 1988, 1995, 1999 йилларда, Бомбейда 1863 йилда, Қоҳирада 1889, 1908 йилларда, Истанбулда 1984 йилда чоп этилган.

«Тафсир ан-Насафий» ҳанафий мазҳаби қонунқоидалари асосида ёзилган. Ундаги оятлар айнан мотуридия таълимотига биноан баён этилиб, ўша даврнинг илм марказлари бўлган Бухоро ва Самарқанд олимларининг фикрлари билан бойитилган. Асарда манба сифатида Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон»ига катта

эътибор берилганини кўриш мумкин. Бунга мисол қилиб, Қуръондаги Муҳаммад пайғамбарнинг уммати танланган, яхши уммат, шу билан бирга, бошқа умматларга гувоҳликка ўтувчи қилиб қўйилгани тўғрисидаги оятни келтириш мумкин. Насафий оят шарҳида «Тафсир ан-Насафий»га таяниб, қуйидаги фикрларни айтади: Абу Мансур Мотуридий ушбу оятдан келиб чиқиб ижмо (муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳид олимларнинг бир фикрга келишуви)ни ҳужжат дейди ва уни шариатнинг бир манбаи эканини таъкидлайди. Чунки оятда мусулмонлар адолат сифати билан сифатланиб, уларнинг гувоҳлик беришлари мақбуллиги уқтирилмоқда. Гувоҳликка эса, фақат лойиқ инсонларгина ўта оладилар. Демак, ушбу уммат бирор нарсага иттифоқ қилсалар ва унинг тўғрилигига гувоҳлик берса, уни қабул қилиш мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, Алоуддин Самарқандийнинг (ваф. 1144 й.) «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон», Абул Ҳасан Хозиннинг «Лубоб ат-таъвил фи маон ат-танзил», «ал-Кашшоф», «Тафсир ал-Байзовий» каби тафсирлардан кенг фойдаланилган.

Асарда Имом Бухорий ва Имом Муслим каби машҳур муҳаддислар ривоятдан, шунингдек, Бағавийнинг (ваф. 1122-23 й.) саҳиҳ китобларидан кўплаб ҳадислар келтирилган. Насафий фикҳий масалаларнинг тафсирида Фахрул-ислом Имом Паздавийнинг (ваф. 1089 й.) машҳур «Усул ал-Баздавий» асарига асосий фикҳий манбалардан бири сифатида ҳамда ўзининг «ал-Кофи» ва «Кашф ал-асрор фи шарҳ ал-Манор»ларига мурожаат қилган. Араб тилига оид илмларда эса,

буюк олимлар манбаларидан Сибавайхнинг «ал-Китоб», Абу Закариё Дайлабий асарлари, Абулбақо Акбарийнинг «ат-Тибён фи иъроб ал-Қуръон» («Қуръон оятларидаги эъробларни ёритувчи»), Жавҳарийнинг «ас-Сихоҳ», ал-Боқулийнинг «Кашф ал-муъзилот ва изоҳ ал-мушкилот» («Иштибоҳларни очиш ва қийинчиликларни ечиш») каби китобларидан истифода этган. Айниқса, оятларни филологик таҳлил қилишда морфология (наҳв) илмининг машҳур олимлари – Халил, Сибавайх ва Фарроларнинг фикрларини далил сифатида келтирган.

Қироат илмида Абдуллоҳ ибн Масъуд мусхафи, Куфа, Басра, Шом, Макка ва Мадина, Нофи, Ҳафса мусхафларига, яна шу илмга оид «ал-Вуқуф» асарига таянган, шунингдек, ўқувчи оятларни ҳар томонлама тушуниши учун етти хил қироатдан кенг фойдаланган. Жумладан, Бақара сураси 283-ояти – «Намозларда ва ўрта намознинг адосида доим бўлинг»даги «ўрта намоз» хусусида турли қарашлар мавжудлиги маълум. Абул Баракот ушбу оят шарҳида Абу Ҳанифа ва жумҳур олимларнинг фикрига таяниб, уни аср намози, дейди. Шунингдек, Уммул-мўъминин Ҳафсанинг мусхафида ўрта намоз аср дейилган. Давомида бу ҳақдаги бир неча фикр ва ҳадисларни келтиради. Бу намознинг вақти Қадр кечаси каби махфий тутилганига сабаб ўрта намоздан ташқари қолган барча намозларни ҳам адо этишга қизиқтириш учунлигини айтади.

Шу билан бирга, Насафий Фотиҳа сурасидаги *маалик* (эга) сўзини машҳур етти қорилардан Осим ва Али шу шаклда, бошқа қорилар эса, *малик* (подшоҳ) шаклида ўқийди, баъзилар эса қандай

ўқишни ўқувчи ихтиёрига топширганлар дейди. Насафийнинг ўзи Осим қироатини ихтиёр қилгани боис, унинг қироатини биринчи келтиради ва буни бир неча мисоллар билан исботлайди. Жумладан, ҳар бир подшоҳ (*малик*) эга (*маалик*) бўла олади, лекин ҳар бир эга подшоҳ бўла олмайди. Яна *маалик* сўзида ҳарфлар (араб тилида 5 та) *малик* сўзидан кўра (араб тилида 4 та) кўпроқ. Шу сабаб қироатда ҳарфлар кўп бўлса савоби ҳам зиёда бўлади, деб ўз фикрини қувватлайди.

Маълумки, қироат бу Қуръонни ўқиш услуги бўлиб, дастлаб саҳоба ва тобеъинлар даврида қироат турлари кўпайиб кетган эди. 300 ҳижрий йилларга келиб эса, 7 та мутавотир қироатлар алоҳида ажратилди. Улар Осим, Нофе, Абу Амр, Ибн Омир, Абдуллоҳ ибн Касир, Кисой ва Ҳамза қироатларидир. Бундан бошқа қироатлар машҳур ва хато қироатлар сифатида эътироф этилди. Лекин машҳур қироатлар ҳам саҳиҳ саналиб, улар билан Қуръон ўқиш мумкин.

Тафсирда «Усмон Мусҳафи»дан фойдаланилган жойлар ҳам учрайди. Масалан, Фотиҳа сураси 6-оятидаги *ас-сирот* (тўғри йўл) сўзидаги *с* ҳарфи *син* ёки *сод* билан ўқилиши айтилади. Давомида эса, кўплаб қорилар бу сўзни *сод* билан ўқиганлари ва «Мусҳафи Имом» («Усмон Мусҳафи»)да ҳам шундай экани таъкидланади.

«Тафсир ан-Насафий»да тарихий воқеаларда Табарийнинг «Тарих ат-Табарий», Ибн Ҳишомнинг (ваф. 833 й.) «Сийрат Ибн Ҳишом» китобларига мурожаат қилинади. Шунингдек, кўплаб олимлар, жумладан, Ҳазрати Али орқали Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари Ибн Ҳанафийа, Боқир

кабиларнинг ривоятлари, Шамсул-аимма Ҳалвоний фикрларидан истифода этилган ҳамда жумҳур уламоларнинг иттифоқига ҳам таянилган. Масалан, Оли Имрон сурасининг 14-ояти – «Инсонларга шахватни яхши кўриш зийнатлаб берилди»даги зийнатлагувчи жумҳур уламоларнинг наздида Аллоҳдир. Чунки у бу билан инсонларни синаб кўради, дейилади.

Бу айтиб ўтилган омиллар Насафийнинг пухта илм соҳиби эканидан далолат бериб, мазкур асарнинг илм аҳли орасида кўп мутолаа қилиниши ва мусулмон дунёсида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

ҚУРЪОННИ ТАФСИР ҚИЛИШ УСЛУБИ

Умуман олганда, «Тафсир ан-Насафий»нинг ёзилиш услубига қараб, оятлар қуйидаги илм турларига асосан ёритилганини кўриш мумкин:

– *тилга оид илмлар*: сарф, наҳв, луғат, араб адабиёти, шеърят, мақоллар, балоғат, фасоҳат, қисман форс ва иброний (қадимги яҳудий тили) тиллари;

– *диний илмлар*: Қуръон, ҳадис, саҳоба ва тобеъинлар ривоятлари, ақида, фикҳ, қироат, носих ва мансух, тасаввуф;

– *бошқа (ижтимоий ва аниқ) илмлар*: тарих, исроилиёт, география, ҳисоб-китоб ва ҳ.

Асосан араб тилига тааллуқли бўлган тилга оид илмлар адабиётларда ақлий илмлар қаторида саналиб, ўқувчига уларнинг ўрнига диний илмларга оидларини етказган маъқулроқдир. Жумладан, «Тафсир ан-Насафий»да нақлий далиллар, яъни

оятлар, ҳадислар, саҳоба ва тобеинлардан келган ривоятлар ҳам кўплаб берилган. Масалан, Бақара сураси 21-ояти – «Сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг»даги «ибодат» сўзини Ибн Аббос қуйидагича шарҳлайди: «Қуръони каримда келган ҳар бир ибодат Аллоҳни яққа санаш (тавҳид)дир».

Яна Анас ибн Молик шундай дейди: «Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқиган одам бизнинг орамизда улуғимизга айланар эди». Шунингдек, тафсирда Али ибн Абу Толибнинг ривоятлари ҳам мавжуд. Масалан, Бақара сурасининг 237-оятидаги «унинг қўлида никоҳ ақди бор» бўлган кишини Ҳазрати Али «эр», деб тафсир қилганини ва давомида машҳур тобиинлардан Саид ибн Жубайр, Шурайх Ҳазрабий, Мужоҳид ёки Абу Ҳанифа ҳамда Имом Шофийлар ҳам шу тарзда тафсир қилганларини айтади.

Асарда Абу Ҳанифанинг сўзларига ҳам катта эътибор қаратилган. Масалан, Оли Имрон сурасининг 131-оятида Аллоҳ таоло рибодан эҳтиёт бўлишни таъкидлаб, «**Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланинглр**», – дейди. Абу Ҳанифа: «(Бу оятни) Қуръондаги энг қўрқинчли оятдир. Чунки мўминлар ғайридинларга тайёрланган жой билан қўрқитилмоқда», – дейди. Абул Баракот эса, бу оятни муржийларга қарши далиллигини айтади. Чунки муржийлар имонли кишида гуноҳ бўлишининг зарари йўқ ва бундай инсон дўзахда азобланмайди, деб эътиқод қиладилар. Лекин мотуридийлик ақидасига кўра, гуноҳкор мўминлар гоҳо азоблансалар-да, бироқ охири жаннатга кирадилар, дейди.

Муаллиф фикҳий (ҳуқуқий – ҳукмий оятлар) оятларни тафсир қилишга чуқур киришмаган бўлса ҳам ҳанафий мазҳабига таяниб шарҳлаган.

У мазҳаббошилардан Абу Ҳанифадан кейинги ўринда кўпроқ Шофийнинг фикрларини ҳам келтиради. Масалан, Бақара сурасининг 225-оятида: **«Аллоҳ сизларни қасамларингиздаги эътиборсиз бўлган лағвлар сабабли таъқиб қилмас. Лекин қалбларингиз касб қилган нарса сабабли таъқиб қилади»**, - дейилади. Яъни сизлар қасам ичдим деб ўйлаб, айтган эътиборсиз гапларингиз учун эмас, балки ёлғонлигини била туриб ичган қасамларингиз учун таъқиб қилади. Имом Шофий наздида қасамни ният қилмай, *Ло валлоҳи* (Аллоҳга қасамки, ундай эмас), *Бало валлоҳи* (Аллоҳга қасамки, худди шундай) каби сўзлар оятда зикр қилинган эътиборсиз, лағв сўзлар ҳисобланади. Бироқ Шофий ёлғон қасам ичган кишига каффорат тўлашни шарт қилган. Шу оят ва Имом Шофий сўzlари сабаб бўлса керакки, шофий мазҳаби кенг тарқалган араблар орасида Аллоҳга қасам ичиш ҳолати бошқаларга нисбатан кўп учрайди.

Шунингдек, тобеъинлардан Қатода ибн Даома, Мужоҳид ибн Жабр тафсирлари ёки Суфён Саврий, Ҳасан Басрий ва Товус ибн Кайсон сўзларига ҳам таянади. Масалан, Оли Имрон сурасининг 14-ояти – **«Инсонларга шаҳватни яхши кўриш зийнатлаб берилди»**да Ҳасан Басрийдан ривоят қилинишича, зийнатлагувчи Шайтондир, дейилади.

Моида сурасининг 50-ояти тафсирида келтирилишича, Товус ибн Кайсон бир фарзандини иккинчисидан устун қўювчи киши

ҳақида сўралганида, қуйидаги оятни ўқиб берган экан: «**Жоҳилият (даври) ҳукмини қумсаяптиларми?!**».

Анфол сураси 2-4-оятлари тафсирида Саврийнинг қуйидаги гапи келтирилади: «Ким ҳақиқий мўминман деса-ю, сўнгра ўзининг жаннат аҳлидан эканини эътироф этмаса, у мазкур оятларнинг ярмига имон келтирибди».

Абул Баракот Қуръон қироатларига имкон қадар кўп тўхталиб, оятнинг қайси қироатида қандай маъно келиб чиқишини ҳам айтиб ўтади. Жумладан, Бақара сурасининг 144-оятда Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарини ва бошқа мусулмонларни ҳам Масжидул-ҳаромга юзланиб намоз ўқишга буюради ҳамда бунинг тўғри эканини аҳли китоблар билишини айтиб ўтади. Охирида эса: «**Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларидан бохабардир**», – деб таъкидлайди.

Ушбу оятдаги «қилаётган ишлар» араб тилида **يعملون** – *йаъмалун* шаклида келади. Агар бу сўзни машҳур етти қорининг тўрттаси – Маккий, Абу Амр, Нофи ва Осимлар қироатига мувофиқ **ي** – *йо* (**يعملون** – *йаъмалун*) билан ўқилса, унда «Аллоҳ уларнинг, яъни аҳли китобнинг ишларидан хабардордир» маъноси келиб чиқади ва бу билан оят аҳли китобларни огоҳлантириш учун айтилган бўлади. Агар юқоридаги тўрт қоридан бошқаларининг қироатига мувофиқ **ت** – *то* билан **نعملون** – *таъмалун* (қилаётган ишларингиз) шаклида ўқилса, унда оятдан мусулмонларга нисбатан ваъда, яъни Аллоҳнинг буйруғини иккиланмасдан қабул қилгани учун савоб берилиши, Аллоҳ бундан бохабарлиги маъноси келиб чиқади.

Асарда Абул Баракот Куръоннинг носих ва мансух илмларини ҳам қўллайди. Жумладан, Насафий Бақара сурасининг 240-ояти – «Сизлардан вафот этиб хотинларни қолдирганлар хотинларига бир йилгача (эрининг уйидан) чиқармай таъминланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар»да бева аёлларга вафот этган эрининг қолдирган молидан тўлиқ бир йилгача нафақа бериб турилиши таъкидланганини, бироқ ушбу оят мазкур суранинг 234-ояти – «Сизлардан вафот этиб хотинларини (бева) қолдирган бўлсалар, (улар) тўрт ою ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб) ўтирадилар» билан мансух этилгани ва идда ўтириш (нафақаси билан) 4 ою 10 кун деб белгиланганини айтади.

«Тафсир ан-Насафий»да тасаввуфга оид фикрлар ҳам баён этилган. Лекин улар мутлақ қабул қилинадиган фикр сифатида эътироф этилмайди ва Абул Баракот ҳам ўз навбатида уларга таянмайди. Шу сабаб ҳам бу фикрлар ноаниқ даражадаги қийла – «айтилади» тарзида берилади. Масалан, Оли Имрон сурасининг 31-ояти – «Айтинг (эй Муҳаммад): «Аллоҳни яхши кўрсангизлар менга эргашинглар. (Шунда) Аллоҳ сизларни яхши кўради» тафсирида шундай дейилади: «Айтилади: Аллоҳга муҳаббат уни таниш, ундан доимо қўрқиш, қалбни унинг зикри билан бардавом машғул бўлиши ва у билан дўст тутинишдир». «Айтилади: у (муҳаббат) Пайғамбарнинг сўзлари, феъллари, унинг ўзигагина хос бўлгандан ташқари ҳолларда унга эргашишдир». «Айтилади: муҳаббатнинг белгиси доимо фикрлаш ва холи жойда бўлиш, кам гаплик, ҳар нарсага қарайвермаслик, ҳар нарсани

эшитавермаслик, озор берилса сабр қилиш, омад келса хурсанд бўлмаслик, бандадан қўрқмаслик ҳамда умидвор бўлмаслик (тамаъ қилмаслик)дир».

Шунингдек, тафсирда яхши амалларга тарғибот ва ташвиқот қилиш, панду насихат ҳамда тарбия, яъни дидактик масалалар ҳам ўрин олган. Жумладан, Оли Имрон сурасининг 92-оятида **«Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жаннатга) ета олмайсизлар»**, дейилади. Ушбу оят тафсирида Насафий Ҳасан Басрий, Абу Бакр Варроқ каби олимларнинг фикрларини келтириб, уларга қуйидаги тарзда хулоса қилади: «Фақат суйган нарсаларни берибгина мақсадга етилади». Давомида ушбу ривоятни келтиради: Аббосий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз шакар сотиб олар ва уни садақа қилар эди. Шунда ундан сўрашди: «Нима учун унинг пулини садақа қила қолмайсиз?». У: «Шакар менга суюклироқдир. Шу сабаб суйган нарсамдан эҳсон қилишни хоҳладим», – деб жавоб беради».

«Тафсир ан-Насафий»да илмнинг, агар у бошқа дин вакилларига тааллуқли бўлса ҳам кўкка кўтарилишини исботлайди. Жумладан, Насафий илм ҳақида шундай дейди: «Илм, агар у руҳонийлар ёки роҳибнинг охират ҳақида эгаллаган илми бўлса ҳам инсонни тўғри йўлга бошловчи воситалардан биридир. Чунки, Моида сураси 82-оятида: **«Одамлар ичидан «Биз насронийлармиз»**, деб айтувчиларни мусулмонларга яқинроқ дўст эканини кўрасиз. Бунга сабаб улар орасида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ҳамда уларнинг кибрга берилмаслигидир», – дейилган.

Бу билан Насафий илм ким томонидан эгалланган бўлишига қарамай, унинг улуғлиги ва афзаллигини ҳамда илм руҳонийларнинг Куръонда ижобий зикр қилинишига сабаб бўлганини исботламоқчи бўлади. Демак, илм у ким томонидан эгалланган бўлса-да, ўз эгаси мартабасини кўтарар экан.

БОШҚА (ИЖТИМОЙ ВА АНИҚ) ИЛМЛАР:

Куръоннинг катта бир қисмини қиссалар, яхудий ва насроний каби аҳли китобларга ҳам тааллуқли ривоятлардан иборат бўлган тарихий жараёнлар эгаллаган. Ўз навбатида аҳли китобларнинг диний манбаларида ҳам бу қиссалар ўз аксини топган. Абул Баракот Насафий исроилиёт (аҳли китобларнинг тарихий воқеалар тўғрисидаги) ривоятларига катта аҳамият қаратмайди. Шу сабаб, уларни *рувийа* («ривоят қилинади»), *қийла* («айтилади») каби шахси номаълум феъллар ёрдамида ифодалайди. Яна баъзи жойларда исроилиётни келтириб, унга нисбатан муносабат билдирмасдан, эътиборсиз қолдиради.

Масалан, Намл сурасининг 16-оятида: «Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоҳликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: «Эй одамлар, бизга қушлар тили билдирилди». Насафий ушбу оят тафсирида: «Ривоят қилинишича, ёввойи кабутар: «Кошкийди, мана шу халқ яратилмаган бўлса», товус: «Ҳар ким қилмишига яраша олади», попишак: «Эй гуноҳкорлар, Аллоҳга истиғфор айтинглар», қалдирғоч: «Яхшилик қилинглар, фойдасини топасизлар», каклик: «Осмонлар ва Ер тўлгунича Роббимга тасбиҳ айтаман», қумри:

«Эй поки Парвардигоро, Сен буюксан», лочин: «Хамма нарса ҳалок бўлади, ёлғиз Аллоҳ қолади», қаттот (сайроқи қуш): «Ким сукут сақласа, саломат бўлади», хўроз: «Эй ғофиллар, Аллоҳни эсланглар», бургут: «Эй одамзот, қандай яшасанг ҳам охирида вафот этасан», ҳакка: «Одамлардан узлатдалиқ Аллоҳга улфат бўлишдир», қурбақа: «Буюк Раббим покдир», дер эканлар.

Лекин Насафий баъзи қўпол хатоли ўринларда ривоятларга кескин муносабат билдиради. Масалан, Сод сурасининг 21-22-оятлари тафсирида Довуд пайғамбар ўз лашкарбошиси Уриёни, унинг хотинига эга бўлиш мақсадида Балқо урушига қайта-қайта юбориши ва лашкарбошининг у ерда вафот этиши тўғрисидаги ҳикояга қуйидагича жавоб беради: «Бундай тухмат Аллоҳнинг пайғамбари у ёқда турсин, оддий солиҳ одамга ҳам муносиб эмас. Бу ҳақда ҳазрати Али шундай дейди: «Агар ким сизларга Довуд ҳақида тўқилган бўхтон қиссани айтса, уни бир юз олтмиш дарра урдираман. Пайғамбарларга тухмат қилган кишининг жазоси шундай бўлади». Бу ривоятдаги ҳақиқат шундан иборатки, Довуд ўша даврнинг одатига кўра, ўз биродари Уриёдан ўз хотинидан воз кечиб, уни талоқ қилишни сўраган холос».

Баъзи бир тафсирларда Юсуф пайғамбар ва Зулайҳо қиссасида Зулайҳонинг Юсуф билан бирга бўлишга интилиши тўғрисида нақл қилинган Юсуф сурасининг 24-ояти – «**(Зулайҳо) унга мойил бўлган ва у (Юсуфнинг дили) унга мойил бўлганди**»да «Юсуф жимовни қасд қилди», деб тафсир қилинган. Бироқ ислом таълимотига кўра, пайғамбарлар бундай гуноҳларга бориши ва ҳатто ният қилиши ҳам мумкин эмас эди.

Абул Баракот Насафий ўз навбатида Юсуфнинг мойиллигини амалсиз, табиий мойиллик деб шарҳлаб, орқасидан дарров Абу Мансур Мотуридийнинг «Банданинг амалга оширишни хоҳламай бўлган ниятига жазо берилмайди. Агар Юсуфнинг нияти Зулайҳонинг мақсади каби ёмон бўлганида, Аллоҳ таоло Юсуфни Куръонда ҳеч ҳам мақтамаган бўлар эди», – деган фикрини келтиради.

Абдулазиз Мансур бу оятнинг таржимасида эҳтиёткорлик юзасидан «Юсуфда бўлган мойиллик дилда ҳосил бўладиган, лекин уни ижро этиш нияти бўлмаган табиий мойиллик, Зулайҳодаги мойиллик эса, уни амалга ошириш нияти билан эди», деб шарҳлайди. И.Крачковский эса бу оятни: «И думала она о нём, и думал он о ней» тарзида таржима қилади ва бундай таржима «пайғамбарларнинг гуноҳсизлиги» масаласига путур етказмайди.

Шунингдек, Бақара сурасининг 35-оятда (Одам Ато ва Момо Ҳаввога) «**Бу дарахтга яқинлашмангиз**», – дейилади. Мазкур дарахтнинг қайси навлиги ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Жумладан, «Тафсир ал-Жалолайн»да унинг буғдой, узум ёки бошқа бир дарахт бўлиши мумкинлиги айтилган. Ваҳоланки, Куръон ва ҳадисларда унинг қайси дарахтлиги билдирилмаган. Шу сабаб мўмин одам унинг қандайдир бир дарахт эканига ишониб қўя қолиши ва у дарахтга аниқлик киритишдан тийилиши таъкидланади.

Абул Баракот тарихий қиссаларни ёритишда аниқ сонларни ҳам бериб боради. Масалан, Куръонда Толут ва Жолут воқеаси баён қилинади. Бақара сурасининг 249-ояти – «Толут қўшини билан (душманга, яъни Жолутга қарши жанг

қилиш учун) чиққанида (Толут) айтди: «Аллох сизларни бир дарё билан синаб кўрмоқчи»да Насафий Толутнинг қўшини саксон минг киши эди, улар Жолут билан жанг қилиш учун ўз шаҳарларидан чиққанлар, қўшин орасида ёш Довуднинг отаси Иши ва олти акаси бор эди, Жолут Имлик ибн Однинг авлодидан бўлиб, амолика қабиласининг ситамкор лашкарбошиси бўлган, деб айтади. Шу билан бирга, Насафий мамлакаглар, дарёлар географик жойлашувларини ҳам айтиб, юқоридаги оятда зикр қилинган дарёни Фаластин дарёси деб атаган.

Кўриниб турганидек, «Тафсир ан-Насафий»да турли илмлардан кенг фойдаланилган. Бу, ўз навбатида, муаллифнинг диний илмлар билан бир қаторда дунёвий билимларда ҳам юксак даражада эканини кўрсатади.

АҚИДАВИЙ ОЯТЛАР ТАЛҚИНИ

Мовароуннаҳр диёрида кенг тарқалган суннийликнинг мотуридийлик ақидавий таълимоти давомчилари сифатида Абулҳасан ва Абул Юср Паздавийлар, Абулмуин ҳамда Абу Ҳафс Насафийлар, Шамсул-аимма Кардарий, Мулло Али Қорий (ваф. 1605 й.), Абу Муҳаммад Ўший (ваф. 1173 й.) каби ўнлаб олимлар шухрат топганлар.

Абул Баракот Насафий ҳам мазкур олимлар қаторида ақида илмида сермазмун ижод қилган. У ақида бобида асарлар ёзиш билан бир қаторда «Тафсир ан-Насафий»да ақидавий оятларни мотуридийлик қарашлари асосида шарҳлаган.

Жумладан, имон билан солиҳ амаллар бир ёки бир эмаслиги масаласи турли таълимот ва оқимлар ўртасида ҳозиргача мунозарали бўлиб келмоқда. Абул Баракот Бақара сураси 25-оятти имон билан солиҳ амаллар бошқа-бошқа эканига далил эканини таъкидлайди:

«Имон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларга тағларидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатлар бор, деб башорат беринг». Абул Баракот: «Аллоҳ таоло ушбу оятда «имон келтирганлар» билан «солиҳ амал қилганлар» сўзларини «ва» боғловчиси орқали ажратмоқда. Араб тили қоидасига кўра, боғловчилар билан ажратилган сўзлар алоҳида ҳисобланади. Демак, солиҳ амал билан имон бир-биридан бошқа нарсалар экан. Шу билан бирга, фақат имон келтириб солиҳ амал қилмаса ҳам жаннатга кирса бўлар экан-да, деб бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таоло жаннатга киришга солиҳ амал бўлишини шарт қилиб қўйган».

Насафий имон билан амаллар бошқа нарсалар эканига Бақара сурасининг 3-оятти – **«...ғайбга имон келтирган, намозларини адо этадиган ва биз ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиганлар...»**ни далил қилиб, унинг шарҳида: «Тўғри имон бу тил билан тасдиқлаш, дил билан ишонидир, амал қилиш имон шартига кирмайди», – деб айтади.

Дарҳақиқат, Мотуридий таълимотига кўра амал имоннинг бир қисми бўлмай, ундан мустаснодир. Лекин мўътазилий оқими ақидасида амал имоннинг бир бўлаги бўлиб, ишонид билан бирга амал қилиш ҳам имоннинг шартларидандир.

Имон ҳақида яна Моида сурасининг 83-85-оятларида шундай дейилади:

«Улар (насронийлар) Расулга (Муҳаммадга) нозил қилинган (оятларни) эшитганларида ҳақни билганлари туфайли кўзлари ёшга тўлганини кўрасиз. (Улар) «Парвардигоро, биз имон келтирдик, бизни шаҳодат аҳли билан бирга ёзиб қўйгин. Нега биз Раббимиз бизларни солиҳлар билан бирга жаннатга киргазишини умид қила туриб, Аллоҳга ва бизга келган ҳаққа имон келтирмаймиз», – дейдилар. Айтган (шу) гаплари туфайли Аллоҳ уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари билан мукофатлагай ва у ерда абадий қолурлар. Бу солиҳ амал қилувчилар мукофотидир».

Карромия оқими вакиллари ушбу оятнинг «Айтган (шу) гаплари туфайли» жумласини далил қилиб, фақат тилида имон келтириш билангина инсон мўмин бўлади, дилнинг тасдиғи шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Абул Баракот уларга раддия билдириб, ушбу оят имоннинг бир шарти тил билан иқрор бўлиш эканига ишора қилинаётганини таъкидлайди. Шунингдек, «Баъзи инсонлар борки, улар «Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирдик», – дейдилар-у, ваҳоланки, улар мўмин эмаслар» (Бақара сураси, 8-оят) ояти эса тилда имон келтиришнинг ўзи билан киши мўмин бўлмаслигига далилликни айтади. Тилда имон келтириш билан бирга қалбда тасдиқ қилиш ҳам керак экан», деб ўз фикрини исботлайди. Демак, Абул Баракот имон тил билан дилнинг иши ва солиҳ амаллар имоннинг бир шарти эмаслигини оят, араб тили қойдаси ҳамда ақлий мисоллар ёрдамида исботлайди.

Гуноҳ ишни қилиш билан инсон имондан чиқиш ёки чиқмаслик масаласи ҳам ақидада асосий мунозарали ўринлардан бирини эгаллайди. Хорижийлар катта гуноҳ қилувчини имондан чиққан, деб ҳисоблайдилар ҳамда бунга Бақара сурасининг 34-оятини далил қиладилар. Оят мазмуни қуйидагича: «Эсланг (эй, Муҳаммад), **Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!»**, – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. **Фақат Иблис бош тортиб, кибр қилди ва кофирлардан бўлди»**.

Хорижийлар оятни шарҳлашда ўз ақидаларига таяниб, Шайтоннинг куфрга кетишига сабаб, унинг кибрланиб, илоҳий буйруқни қилмаганидадир. Демак, Аллоҳнинг буйруғини қилмасликнинг ўзи кишини имондан чиқишига сабаб бўлади дейдилар. Абул Баракот эса, мотуридийлик ақидасини ҳимоя қилиб, гуноҳ иш қилиш билан инсон имондан чиқмаслигини, балки ўша гуноҳни менсимай, уни жоиз санасагина имондан чиқишини таъкидлайди. Шайтоннинг куфрга кетишига сабаб, саждадан кибрланиб, уни рад этгани ва ундан юз ўгирганлигидадир, деб айтади.

Абул Баракот оятдаги «сажда қилиш»ни «таъзим қилиш ва Одамнинг фазлини эътироф этиш», Убай ибн Каъб ва Ибн Аббослар «энгашиш», деб тафсир қиладилар. Жумхур уламолар саждани «юзни ерга қўйиш билан Одамни табрик ва муборакбод этиш», деб шарҳлайдилар. Ўша пайтда одамга нисбатан бу каби табрик саждасини қилиш мумкин бўлган. Лекин Сулаймон пайғамбар даврига келиб яралмишга нисбатан ҳар қандай сажда қилиш бекор қилинган ва фақат Аллоҳга сажда қилишгагина буюрилган.

Демак, имон тўғрисидаги оятларни Абул Баракот Насафий сингари шарҳлаш катта аҳамият касб этади. Чунки бундай шарҳлаш натижасида қанчадан-қанча «гуноҳкор» ёки «имонсиз» деб даъво қилинаётганлар аслида мўмин эканликлари тўғрисидаги хулоса келиб чиқади. Аксинча шарҳлаш эса, одамларни динсизликда айблаш ва бунинг оқибатида уларнинг мол ҳамда жонларига таҳдидларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу мавзунинг давоми сифатида Нисо сурасининг 31-ояти – **«Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз»**ни айтиш мумкин. Мўътазилийлар ушбу оятга таяниб, катта гуноҳлардан сақланганларнинг кичик гуноҳлари зарурий равишда ўчирилади, катта гуноҳлар эса кечирилмайди, дейдилар. Ўз навбатида Насафий бундай қарашни ботил деб, катта ва кичик гуноҳлар Аллоҳ учун бирдир, хоҳласа у иккиси учун жазо беради, хоҳласа кечиради. Чунки Нисо сураси 48-оятида: **«Албатта Аллоҳ ўзига ширк келтиришни кечирмайди. Ундан бошқасини хоҳлаган кишиси учун кечириб юборади»**, дейилади. Тафсирнинг давомида Абул Баракот **«Ҳасанотлар (яхши амаллар) саййиотлар (ёмон амаллар)ни кетказади»** оятига асосланиб, катта ва кичик гуноҳлар яхши амаллар сабабли кечирилиши мумкинлигини айтади. Чунки **«саййиот»** деганда, бу икки турдаги гуноҳлар назарда тутилади.

Абу Мансур Мотуридий **«катта гуноҳ»**дан мурод ширкнинг катталари эканига эътиборни кўпроқ

қаратади. Ширкнинг катталари қаторида Аллоҳга ширк келтириш, пайғамбарларни, ибодатларни инкор қилиб, тан олмаслик, ҳаромни ҳалол ва ҳалолни ҳаром санаш кабиларни айтиб ўтади.

Кўриниб турганидек, имон ҳамда гуноҳкорнинг имонли ёки имонсиз бўлиш масалаларида турли қарашлар мавжуд бўлиб, Абул Баракот Насафий мазкур мавзуларни мўътадиллик, илмийлик асосида ақлий ва нақлий мисоллар билан баён этган.

Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир динда бўлган ёки ҳар бири алоҳида дин билан келганлари тўғрисидаги масала ҳам эътиборли мавзулардан бири бўлиб, Насафий бунга ҳам жавоб бериб кетади. Жумладан, гарчи динлар яҳудийлик, насронийлик, ислом каби номланса-да, уларнинг барчаси аслида бир дин эканига эътиборни қаратади ва: «У (ислом дини) барча пайғамбарларнинг динидир», – дейди муфассир. Бунга сабаб барча илоҳий динлар бир Илоҳ томонидан юборилган ва уларнинг барчасида тавҳидга, яъни ёлғиз Аллоҳга сиғинишга чақирилган. Гарчи улар ислом дейилса-да, уларнинг шариатлари, яъни ҳукмлари турлича бўлган. Шундан келиб чиқиб, шариатлар бошқа номлар билан аталган. Демак, пайғамбарлар кўп бўлса ҳам улар башариятни бир динга, яъни бирлик ва аҳиллик ҳамда ягона Илоҳга сиғинишга чақирганлар. Бу орқали уларнинг тили, ранги, амал қиладиган шариат кўрсатмалари бошқа-бошқа бўлса ҳам бир одам фарзанди эканини эслатмоқчи бўлганлар. Бу ҳам ўз навбатида исломнинг аслида бағрикенглигини кўрсатувчи омилларидандир.

Ислом олимлари ўртасида «мўмин» ва «мусулмон» тушунчалари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Бирлари бу икки сўз бир маънони англатади, десалар, бошқалари уларнинг ҳар иккиси ҳам турли мазмунни ифодалашини, шу сабаб мўминдан имонли одам тушунилса, мусулмондан ислом амалларини бажарадиган киши тушунилади, дейдилар. Оли Имрон сурасининг 52-оятда қуйидаги мазмун акс этган: **«Хаворийлар айтадилар: «Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйин сунувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (Эй Исо)!».**

Пайғамбарлар умматларининг имон келтирганига Қиёмат кунда гувоҳ бўладилар. Шу боис хаворийлар ўзларининг мусулмонлигига Исони гувоҳ қилишмоқда. Оят имон билан исломнинг бирлигига далил бўла олади. Чунки хаворийлар имон келтирганларини айтиб, мусулмонликларига гувоҳликни сўрашмоқда.

Мотуридийлик ва ашъарийлик ўртасида имоннинг зиёда бўлиши ва камайиши масаласи ҳам баҳсли бўлиб, ашъарийлар имон солиҳ амаллар туфайли зиёда бўлади, аксинча гуноҳлар сабабли камаяди, мотуридийлар эса, имон эмас, балки имоннинг нури каттайиши ёки камайиши мумкин, дейдилар. Шу сабаб Анфол сураси 2-ояти – **«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганда – дилларида кўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганда – имонлари зиёда бўладиган (кишилар)дир»**даги «имонлари зиёда бўладиган» жумласини «ишонч ва хотиржамликда зиёда бўлади», деб тафсир қилади. Лекин Насафий

тафсир асносида Ашъарийни ҳам ёки ашъарийлик таълимотини ҳам тилга олмайди ва уларга ҳеч қандай раддия бермайди.

Айтиб ўтилганидек, ақида илмида жуда кўп баҳс ва ихтилофлар мавжуд. Лекин мунозара бевосита Илоҳ тўғрисида бўлса, бу ҳолда баҳс юритиш мумкинми, деган савол туғилиши табиий. Абул Баракот Насафий бу саволга жавобан одамларда тўғри тасаввур ва тушунчани шакллантириш учун ақидада баҳс-мунозара қилиш жоизлигини таъкидлайди. Бунга у Бақара сурасининг 258-оятини далил қилади: «Аллоҳ таоло мол-мулкни берганда Иброҳим билан Раббиси ҳақида тортишган бандани кўрмайсизми?». Яъни Иброҳим пайғамбар даврида Намруд подшоҳ худоликни даъво қилиб, Иброҳим пайғамбар билан баҳслашади. Иброҳим пайғамбар ҳам Аллоҳнинг ягоналигини исботлаш мақсадида у билан баҳсга киришади ва охир-оқибат уни мулзам қилади. Лекин Абул Баракот баҳсга киришувчи илмли ва нияти тўғри бўлиши лозимлигини қаттиқ уқтиради.

Қиёмат куни тўғрисидаги масала ақидавий масалаларнинг бир қисми бўлиб, Қуръонда у «шафоат қабул қилинмайдиган кун» сифатида зикр этилади. Мўътазилийлар буни далил қилиб, нафақат динсизлар, балки гуноҳкор мўминларга ҳам шафоат насиб қилмайди, дейдилар. Лекин Насафий бу каби оятлар мўминлар эмас, ғайридинлар ҳақида нозил бўлганини таъкидлайди ва далил сифатида «Менинг шафоатим умматимнинг катта гуноҳ қилганларига ҳам етади» ҳадисини келтиради.

Абул Баракот оятларни шарҳлаш баробарида турли оқим ва фирқа вакилларига ҳам қарши

далиллар келтирган. Жумладан, у жаннатни яратилган ва у ҳозирда мавжуд дейди. Чунки Аллоҳ таоло Одам билан Ҳавога «**Сен ва сенинг аёлинг жаннатда яшанглар**», деган. Демак, жаннат ўша пайтда ҳам, ҳозирда ҳам мавжуд, деб мўътазилаларга қарши ҳужжат келтиради. Шунингдек, жаннат еттинчи ёки тўрттинчи осмонда, деган ривоятларга аниқлик киритиб, «бу – жаннат осмон томонда, лекин айтилган осмон ичларида, дегани эмас», – деб айтади. Насафийнинг жаннатнинг мавжудлиги тўғрисидаги қарашида одамларни унга интилишга қизиқтириш, бу билан уларни яхши амаллар қилишга чорлаш каби ижобий жиҳатлар мужассам этган.

Бундан ташқари, аллома жаҳмийларга ҳам раддия бериб, шундай дейди: «Жаҳмийлар жаннатни ва унинг аҳлини фоний бўлувчи дейдилар. Лекин Аллоҳ таоло: «**Жаннатга кирганлар у ерда абадий қоладилар**», – деган. Демак, жаннат аҳли жаннатда абадий қоладилар ва жаннат ҳам йўқ бўлиб кетмайди».

Аксарият олимлар Аллоҳнинг 99 та исми бор десалар, қолганлари 1000 та дейдилар. Лекин Қуръонда уларнинг саноғи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Аъроф сурасининг 180-оятда: «**Аллоҳнинг ал-асмо ал-хусно – чиройли исмлари бор. Уни ўша исмлар билан атанглар! Унинг исмларида ҳақдан оғиб кетувчиларни қўйинглар. (Улар) қилмишларига (яраша) жазоланадилар**», – дейилади. Насафий «ҳақдан оғиб кетувчилар» Аллоҳни «сахий», «дўст», «жисм», «оқил», «жавҳар», «ақл», «иллат» каби номлар билан атайдилар, дейди. Мотуридийлик таълимотида

эса, Аллоҳни бундай номлар билан аташдан қайтарилган, шу сабаб ақида китобларида бундай номлаш мумкин эмаслиги таъкидланади.

Ҳофиз ибн Ҳажар айтади: «Шофийий ва ҳанбалийлар Аллоҳнинг исмларини учга бўладилар: биринчиси, фақатгина Аллоҳга хос бўлган «Раҳмон», «Раббул-оламин» каби исмлар; иккинчиси Аллоҳга ҳам бошқасига ҳам ишлатилиши мумкин, лекин Унга кўпроқ қўлланиладиган «Жаббор», «Ҳақ» каби исмлар; учинчиси Аллоҳга ҳам, бошқасига ҳам бирдай қўлланилавериладиган «Ҳай» (тирик), «Мўъмин» сингари исмлар.

Ақидада фаришталар афзалми ёки инсонлар афзалми, деган масала қадимдан мунозарали бўлиб келган. Мўътазилийлар, қадарийлар, файласуфлар ва ҳатто баъзи ашъарийлар ҳам фаришталарнинг афзаллигини айтганлар. Фаришталарнинг афзаллигини тан олувчилар Нисо сураси 172-оятти – «**Масиҳ Аллоҳга банда (қул) бўлишдан сира ор қилмайди, муқарраб (Аллоҳга яқин) фаришталар ҳам**»ни далил қилиб, оятдан Исо Масиҳдан кўра муқарраб фаришталар (Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил ва уларнинг даражасидаги фаришталар) афзал экан, деган хулоса чиқарганлар. Чунки бу турдаги гаплар айтилганда, «Фалончи менинг хизматимдан ор қилмайди, ҳатто отаси ҳам», деб паст даражадан юқорига қараб кўтарилади. Оятда ҳам Исо даражасидан улуғ фаришталар томон юқорига ишора қилинмоқда. Шундай экан, фаришталар одамлардан афзал дейдилар.

Насафий ўз навбатида уларга жавоб бериб: «Тўғри, оятда айтилганидек, биз барча муқарраб

фаришталарнинг Исодан афзал эканига ва шунингдек, ҳамма муқарраб фаришталарнинг битта башар пайғамбаридан афзаллигига қўшилаемиз. Лекин якка пайғамбар якка муқарраб фариштадан афзал. Шунингдек, барча пайғамбарлар барча муқарраб фаришталардан, муқарраб фаришталар эса мўминларнинг оммасидан, мўминларнинг оммаси ҳам фаришталарнинг оммасидан афзаллигини эътироф этаемиз», – дейди.

Бу жузъий ақидавий масала бўлса-да, лекин унинг ўзига хос алоҳида жиҳатлари бор. Жумладан, унда башариятнинг нақадар азиз ва муқаррамлиги, ҳатто юқори мартабадаги фаришталардан ҳам афзаллиги тўғрисидаги хулосалар ўз ифодасини топган.

Сеҳр билан шуғулланиш масаласига муносабат ҳам ақидада ўз ўрнини топган. Насафий сеҳрни мутлақ инкор этишдан эҳтиёт бўлади. Бақара сурасининг 102-оятида: «(Улар), яна Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон кофир эмас эди, лекин одамларга сеҳр (жоду) ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга нозил бўлган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар» дейилиб, одамларнинг сеҳр билан шуғулланганлари, жинларнинг инсонларга сеҳрни ўргатиши ва бу билан уларнинг кофир бўлгани айтиб ўтилади. «Тафсир ан-Насафий»да мазкур оят шарҳида Имом Мотуридийнинг қуйидаги гапи келтирилади: «Сеҳргарликни мутлақо куфр дейиш хато. Буни олдин яхшилаб текширмоқ даркор. Агар сеҳрда имоннинг шартларидан бири инкор этилса, унда

диндан чиқишга сабаб бўлади, инкор этилмаса куфр эмас». Тафсирнинг давомида, мўътазилийлар сеҳрнинг хаёлотлардан иборат экани, суннийлар эса унинг таъсири борлигини эътироф этишини айтиб ўтади.

Тарихий шахслардан бири бўлган Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги қарашлар ҳам ақидага тааллуқлидир. Чунки унинг пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. Худди шунингдек, ривоятлар Луқмон ҳақида ҳам айтилган. Ислом дини таълимотида пайғамбар бўлмаганни пайғамбар ёки пайғамбар кишини пайғамбар эмас, деб эътиқод қилиш нотўғрилиги таъкидланади. Шу сабаб ҳам «ал-Ақоид ан-Насафийа» асарида пайғамбарларнинг ададларини чегаралаб бўлмаслиги уқтирилса, «Зуул маолий шарҳ бад ал-амолий»да Куръон ва ҳадисларда зикр қилинган пайғамбарларгина пайғамбар, деб эътиқод қилиниши кераклиги уқтирилади.

Каҳф сурасининг 83-98-оятларида Искандар Зулқарнайн ҳақида сўз юритилиб, Насафий мазкур оятларни тафсир қилаётганда ушбу шахс солиҳ банда, пайғамбар ёки фаришта дейилгани тўғрисидаги турли қарашлар мавжудлигини айтади. Лекин уни солиҳ бир банда эканини таъкидлайди ва буни қувватлаш учун Ҳазрати Али ибн Абу Толибнинг у пайғамбар ҳам, фаришта ҳам эмаслиги, балки у солиҳ инсон экани тўғрисидаги фикрини келтиради.

Искандар ва Луқмон ҳақида бу каби турли қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб, на диний манбаларнинг ва на олимларнинг улар

ҳақида аниқ бир тўхтамга келмаганлигидадир. Жумладан, Искандарнинг шахсияти ҳақида 24 тилдаги ривоятларнинг 80 дан ортиқ турлари бор. Буларнинг аксарият қисмини милоддан аввалги 200 йилда Псевдо-Каллисфен тўплам қилиб ёзган. Эътиборли жиҳати шундаки, Қуръон ҳам унинг шахсиятига доир маълумотларни бермай, балки унинг қилган хайрли ишларидан хабар беради халос. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Қуръон ва унинг Насафий тафсирида келтирилган маълумотлар Юнонистонда яшаб ўтган Александр Македонский билан оятларда зикр қилинган Искандар бошқа-бошқа эканини кўрсатади. Чунки Қуръонда зикр қилинган Искандар ёлғиз Илоҳга сиғингани айтилса, Александр Македонский даврида Юнонистонда кўпхудолик дини ҳукмрон бўлган.

Насафий оятнинг давомида яна бир қизиқ воқеани келтиради: «Ҳадисда айтилишича, Искандар бир китобда Сомнинг авлодларидан бири ҳаёт сувидан ичиб, абадий яшаш бахтига муяссар бўлганини ўқиб қолади. Искандар ҳаёт сувини излаб йўлга равона бўлади. Сафарда ҳамроҳ бўлган Искандарнинг вазири ва холасининг ўғли Ҳизр ҳаёт сувини топади ва унга абадий яшаш насиб этилади. Лекин Искандар бундан бебаҳра қолади».

Ривоятларда ҳам юқоридаги воқеага монанд равишда Искандарнинг Ўрта Осиёга келгани айтилган. Шу сабаб бўлса керакки, ҳозирда Тошкент ислом университети жойлашган ҳудуд – «Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси»да бир пайтлар мавжуд бўлган сарв дарахтлари ҳақида афсонавий бир ҳикоя пайдо бўлган. Унда айтилишича,

Искандар Зулқарнайн бир куни ҳаёт сувини олиб қайтаётганида маълум бир жойга етади. Шу ерда бир гала қарғалар Искандар қарвонига хужум қилади. Натижада меш тешилади ва ундаги ҳаёт суви оқиб кетади. Кейинчалик шу сув тўкилган жойдан дарахтлар ўсиб чиқади. Вақтлар келиб, бу ҳудудда Шайх Хованд Таҳур яшаб ижод қилади ва бу ерларни обод этади. Кейинчалик бу жой Шайх Хованд Таҳур номини олади ва Тошкентнинг энг эътиборли марказига айланади.

Дарҳақиқат, Насафий ақида илмини яхши билиши Қуръондаги ақидавий оятларни айнан кўпчилик эътироф этган суннийликка мос равишда шарҳлашига сабаб бўлган. У шу билан бирга, ўзи эътимод қилган суннийликнинг бир тармоғи ҳанафийлик ва мотуридийлик анъаналарини қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилган.

НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИНАЁТГАН БАЪЗИ ОЯТЛАРНИНГ ТАФСИРИ

Юқорида Насафийнинг тафсирини бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам долзарблиги айтилган эди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, қуйида баъзи бир оқим ва тоифаларнинг ҳозирда оятларни нотўғри талқин қилаётганларини ушбу тафсир асосида кўриб чиқиш мумкин.

Оли Имрон сурасининг 104-оятида шундай дейилади: **«Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф (яхшиликка чақириш) ва наҳйи мункар (ёмонликдан қайтариш) ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир».**

Ушбу оятни далил қилиб, ҳозирда Марказий Осиёда фаолият юритаётган баъзи тоифа вакиллари ўз фаолиятларини ташкил этиш ва олиб бориш лозимлигини рўкач қиладилар. Мазкур оят шарҳида Абул Баракот Насафий қуйидагиларни айтади: «Бу ердаги «сизлардан» сўзидаги «дан» – **من** қўшимчасидан араб тили қоидаси бўйича икки хил маъно келиб чиқади.

Биринчи маънога кўра, «дан» қўшимчаси «баъзи» маъносида келиб, «сизлардан баъзиларингиз», яъни сизлардан бир жамоат чиқиб, яхшиликка даъват, амри маъруф, наҳйи мункар ишлари билан шуғуллансин, деб ҳам тушуниш мумкин. Бу тафсирга кўра, мазкур иш фарзи кифоя саналиб, у билан умматнинг ҳаммаси эмас, балки бунга лойиқ бўлган олимларгина шуғулланадилар ва шу билан у бошқаларнинг зиммасидан соқит бўлади. Чунки амри маъруф илмини, одамларни яхшиликка чорлаш услубини олимларгина биладилар. Акс ҳолда, одамларга яхшиликни тўғри тушунтира олмаслик ва оммага қийинчилик туғдириб қўйиш мумкин. Бу каби шарҳларни Аҳмад Жуванфурийнинг «ат-Тафсирот ал-Аҳмадийа» ва бошқа тафсирларда ҳам учратиш мумкин.

Иккинчи маънога кўра эса, «дан» қўшимчасидан «умумийлик» маъноси келиб чиқиб, оят «сизларнинг ҳаммангиз яхшиликка чорловчи, амри маъруф ва наҳйи мункар қилувчи уммат бўлинг» мазмунини ифодалайди. Ушбу маънога кўра, барча мўмин-мусулмонлар бир-бирларини яхшиликка чорлашлари ва ёмонликлардан қайтаришлари керак бўлади. Демак, оятдан бу икки маънога кўра ҳам баъзи фирқаларнинг ўзларини «яхшиликка

чақирувчи жамоа» деб даъво қилишлари англашилмас экан.

Бу оят машҳур муфассирлар тафсирларида ҳам шарҳланган. Жумладан, Ибн Жарир Табарийнинг «Жомий ал-баён фи таъвил ал-Қуръон» номли китобида «оят саҳобалар учун хос нозил бўлгани» таъкидланади. Имом Бағавий ушбу оятни «Сизларнинг ҳаммангиз мазкур ишларни қиладиган уммат бўлингиз», деб талқин қилади. Муфассирларнинг аксарияти шу иккинчи тафсирни қўллаб-қувватлаганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам шу иккинчи тафсирга биноан амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланишни фарзи айн, яъни ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарздир, деб билганлар. Жумладан, Абу Мансур Мотуридий «Таъвилот ал-Қуръон»да шу суранинг 110-ояти ва Моида сурасининг 79-оятлари ҳамда бир неча ҳадиси шарифларни далил қилиб, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини қилиш ҳар бир мусулмонга лозимлигини айтган.

Ҳозирда «халифалик» ҳам баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. У баъзи тоифаларнинг ҳокимиятни эгаллаш йўлидаги асосий ғоявий куролига айланган. Шу сабаб бу масаланинг асл негизига етиб, уни кенгроқ шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. Бақара сураси 30-оятида: **«Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ер юзида халифа яратмоқчиман», - деганини (эсланг)»** ва ас-Сод сураси 26-оятида: **«Эй Довуд, Биз сени ерда халифа қилдик. Одамлар орасида ҳақ билан ҳукм қилгин ва ҳавога эргашмагин. Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур»** «халифа» сўзи зикр қилинади. Лекин Қуръонда

халифалик асосидаги бошқарув бўлишига ишора қилувчи оят учрамайди.

«Халифа» сўзи луғатда «ўринбосар» маъносини англатади. Истилоҳда эса, Муҳаммад пайғамбардан кейин унинг ишларини давом эттирган кишига айтилади. Бунинг учун киши қуйидаги беш нарсага эга бўлиши шарт қилинган: илм, адолат, халқни ҳимоя қилиш ва душманга қарши туришга қодирлик, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлик, Қурайш қабиласидан бўлиш.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан сўнг, ансорлар (мадиналиклар) Саъд ибн Ибодани халифа қилмоқчи бўладилар. Бу хабарни Абу Бакр ва бир неча саҳобалар эшитгач, дарҳол у ерга бориб, уларга халифа фақатгина Қурайш қабиласидан бўлиши мумкинлигини айтади ҳамда «Имомлик (халифалик) Қурайш қабиласидан бўлади», ҳадисини далил қилади. Шундан сўнг, мадиналиклар итоатгўйлик билан ўз гапларидан қайтадилар.

Демак, юқоридаги шартлар топилган кишигина халифаликка лойиқ ҳисобланади. Бироқ, ислом олимлари ҳозирда мазкур шартлар ҳеч кимда топилмаслигини таъкидлаб, бунга муносиб бўлганлар хулафои рошидин (тўғри йўлдаги халифалар) эканига иттифоқ қилганлар ҳамда Куръоннинг ўзидан буни исботловчи далилларни келтирганлар. Жумладан, Ҳаж сурасининг 41-оятида шундай дейилади: «(Улар) шундай кишиларки, агар Биз уларни ер юзида ғолиб қилсак – намозни баркамол адо этадилар, закотни берадилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг

оқибати Аллоҳнинг измидадир (Барча ишнинг тақдирини У белгилайди)».

Насафий ушбу оят ҳижрат қилган муҳожирларнинг аҳволидан хабар бермоқда ва хулафои рошидин, яъни тўрт халифа – Абу Бакр Сиддик, Умар Форук, Усмон Зуннурин ҳамда Али ибн Абу Толиб фаолиятларининг тўғрилигини тасдиқламоқда, дейди.

Алломанинг бу тафсиридан халифалик ишларини бажара оладиган, Қуръон ва шарият кўрсатмаларини ушбу оятда кўрсатилгандек қойим қила оладиган халифалар, фақатгина ушбу тўрт саҳоба экани, улардан кейинги «халифалик» деб номланган бошқарувларда мазкур оят мазмуни ўз ифодасини топа олмагани тўғрисидаги хулосалар келиб чиқади. Саҳиҳ ҳадис тўпламларида хулафои рошидин тўғрисидаги қуйидаги ҳадислар келтирилган: «Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга эргашинглар» (Термизий ривояти), «Ўзларингизга менинг ва тўғри йўлдаги халифаларимнинг суннатларини лозим тутинглар» (Абу Довуд ривояти).

Бақара сураси 30-оятда эса, ер юзидаги барча инсонларнинг халифа экани таъкидланади. Оятнинг мазмуни шундай: **«Парвардигорингиз фаришталарга «Мен ер юзида халифа яратмоқчиман», деганини эсланг».** Насафий бу оятдаги «халифа»ни фаришталарнинг ердаги ўринбосарлари, деб шарҳлайди. Давомида эса, ундан мақсад «Аллоҳнинг ердаги халифаси» ҳам бўлиши мумкинлигини, чунки Одам Аллоҳнинг ердаги ўринбосари сифатида танлаб олинганини,

шунингдек, ҳар бир пайғамбар ҳам Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси эканини таъкидлайди.

Насафий мазкур фикрни қувватловчи «Ким яхшиликка чорлаб ёмонликдан қайтарса, у Аллоҳнинг ердаги халифаси, Пайғамбарнинг (с.а.в.) халифаси ва Китоб (Қуръон)нинг халифасидир» мазмунидаги ҳадисини келтиради (бу ҳадис Заҳабийнинг «Мизон ал-ийтидол» асарида бор).

Кўриниб турганидек, Абул Баракот Насафий «халифалик»ка муқаддас, олий ва пок нарсага қарагандай эътибор беради ҳамда унинг тушунчасида мўътадиллик, илмийлик, холисликни устун қўяди. Чунки у халифаликка, бир томондан, Аллоҳнинг, Қуръоннинг ва фаришталарнинг ўринбосаридек қараса, иккинчи томондан, бунга фақат пайғамбардек зотлар, ўзини эзгуликка бахшида қилган ва бошқаларни ҳам шу йўлга чақира олганларгина муяссар бўла олишларини таъкидлайди.

Олимларнинг таъкидлашларича, хулафои рошидиндан кейин ҳукуматни ўз қўлига олган Муовия давридан бошлаб, бошқарув дунёвийлашган. Ҳатто, Муовия ўзини «Исломдаги биринчи шоҳ», деб атаган. Тафтазонийнинг суннийлик ақидасига оид машҳур «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия» асарида ҳам Муовия халифа эмас, балки подшоҳ ва амир дейилади. Умавийлардан кейин Аббосийлар халифалигининг ўрнатилиши эса, бошқарувдаги дунёвийликни янада кучайтириб юборди. Чунки, саройда ишловчилар орасида ўзларини қадим форс анъаналари, яъни сосонийларга мансуб деб билувчи кишилар ҳам кўп бўлган. 945 йилда эса, Бағдод халифалиги

дунёвий бошқарувни келиб чиқиши форс бўлган Буидларга топширган, халифалик эса номигагина Бағдодда қолган. Шундан сўнг, зарб қилинаётган тангаларда форсча «шоҳаншоҳ» номи ҳам қўлланилган. Ана ўша пайтдан бошлаб, «султон» сўзи дунёвий бошқарувчи бўлган ҳукмдорга нисбатан ишлатилган. Аслида «султон» келиб чиқиши сурёний сўз бўлиб, олдинлари ундан умумий ҳукумат бошқаруви кўзда тутилган эди. Машҳур араб олими Ибн Халдун ҳам ушбу фикрни қўллади ва тўғри йўлдаги халифалардан сўнг, Муовия ибн Аби Суфён томонидан халифаликнинг дунёвийлаштириши ўша давр нуқтаи назаридан тўғри эканини айтади.

Дарҳақиқат, манбалар «халифалик» номи остидаги кейинги амирлик ва султонликларда юқоридаги оят кўрсатмаларининг бузилиш ҳолларини ҳамда «халифалик»нинг манбаларда таъкидланган мазмуни тугаганини исботлайди. Оятни Насафий сингари шарҳлаш «Халифалик мендан кейин ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик ва амирликлар бўлади», деган ҳадисга мувофиқ келади.

Шунингдек, олимлар имомлик (халифалик) Аллоҳнинг зиммасига ҳам, ақлий жиҳатдан бандаларнинг зиммасига ҳам шарт эмас, дейдилар. Чунки Аллоҳга шарт бўлганида Ўз қудрати билан ҳар бир замонда халифани мавжуд қиларди. Одамларга шарт қилинганида, тарихда ўтган барча олимлар, улуғ-улуғ зотлар ҳар бир замонда ягона халифа бўлишига қаттиқ киришган бўлар эдилар. Улар эса бу иш шарт бўлмагани учун ҳам бундай қилмаганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, юртимиздан етишиб чиққан олимларнинг асарлари таҳлил қилинса, уларда халифаликка оид баҳс-мунозара, ташвиқот ва тарғиботлар учрамайди. Бунга сабаб олимларнинг хулафои рошидиндан кейин халифалик қилишга лойиқ кишининг топилмаслиги ва манбаларнинг бу ҳақдаги кўрсатмалари билан чекланганларида дейиш мумкин. Шу сабаб бўлса ҳам керакки, олимлардан Мулла Жалолнинг таъкидлашича, суннийлар наздида имомат масаласи ҳамма билиши шарт бўлмаган масалалардан бири бўлган. Лекин шиаларнинг бу масаладаги ихтилофларидан сўнг, тўғри эътиқодни шакллантириш учун суннийликда ҳам бу мавзу кўтарилган.

Манбаларнинг кўрсатмасига биноан халифаликка лойиқ инсонлар хулафои рошидинлардир. Агар халифалик бошқаларга ҳам тааллуқли дейилса, унда Одам атодан бошлаб ҳозиргача бўлган барча башарият Аллоҳнинг ердаги халифаларидир.

Яна бир масала шундан иборатки, ҳозирда Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган баъзи тасаввуф вакиллари Фурқон сураси 70-оятини далил қилиб, пирга қўл берилгач, тасаввуфга кирганларнинг олдинги барча гуноҳлари кечирилиб, ўша гуноҳлар савобга айлантирилиши, фарз ибодатлари эса банда зиммасидан соқит бўлишини таъкидлайдилар.

Оят мазмуни қуйидагича: **«Магар, кимки (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)**

ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир». Абул Баракот Насафий ушбу оятни мушриклар ҳақида нозил бўлганини таъкидлаб, шундай тафсир қилади: «Магар ширкдан тавба қилиб, Муҳаммад (с.а.в.)га имон келтирса ва тавбадан кейин солиҳ амаллар қилса, Аллоҳ ана ўшаларни қабиҳ ишларидан кейин яхши ишларга муваффақ қилиб қўяди ёки гуноҳини кечириб, ўрнига имон ва тоат каби амалларни келтиради. Бу ерда гуноҳнинг айнан ўзини савобга алмаштирилиши назарда тутилгани йўқ, балки мақсад биз зикр қилиб ўтганимиздир».

Синчиклаб қаралса, тасаввуф вакиллари каби оятни шарҳлаш натижасида бир неча салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Биринчидан, мазкур йўлни тутганларда бажариши лозим бўлган диний арконларни қилмаслик ва бундай арконларга нисбатан бепарволик муносабати шаклланса, иккинчидан, жамиятда яна бир ихтилофнинг пайдо бўлиши.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абул Баракот Насафий даврида бўлгани каби ҳозирда ҳам турли ботил оқимлар тарафидан оятларни ўз қарашларига биноан талқин қилиш ҳолати мавжуд, балки бу ҳозирда кўпроқ ҳам кузатилмоқда. Шу сабаб оятларни «Тафсир ан-Насафий» каби барча томонидан эътироф этилган тафсирлар асосида шарҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки, бундай тафсирлардаги талқинлар асл ислом таълимоти, халқимиз дунёқараши, диний бағрикенглик тамойилларига ҳамоханглиги билан алоҳида ажралиб туради.

Дарҳақиқат, ҳанафийлик мазҳаби анъанаси, мотуридийлик таълимоти кенг тарқалган бизнинг диёримизда диний мавзудаги масалаларни мўътабар манбаларимиз асосида ёритиш долзарбдир. Абул Баракот Насафийнинг улкан илмий мероси бу борадаги саволларга жавоб бера олади, деб айтиш мумкин. Алломанинг тафсир, ақида, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), усул ал-фикҳ соҳасидаги санаб ўтилган 13 та асари диний адабиётлар мағзини янада бойитди. Бу асарлар ҳозирда ҳам ислом оламида катта қизиқиш ила ўқилиб, юртимиз ва хорижий таълим муассасаларида ўқитилмоқда. Мазкур китобларнинг бир неча нусхаларини Тошкент, Қоҳира, Истанбул, Лондон, Ҳалаб, Исломобод, Бомбей, Баҳалавпур каби шаҳарларнинг қўлёзма фондларида сақланиши ва қайта-қайта нашр этилиши ҳам уларга бўлган катта қизиқишнинг ёрқин намунасидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами, Т. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 214-215.

3. Алимов У. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – 168 б.

4. Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 42 б.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи – А.Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 624 б.

2. Абдулкарим Самоний. Насабнома / Таржимонлар – А.Р.Бухорий ва К.Раҳимов. – Бухоро: Бухоро, 2003. – 273 б.

3. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахийа фи тарожум ал-ҳанафийа. – Байрут, 1998. – 632 б.

4. Абул Баракот Насафий. Тафсир ан-Насафий. II жузда. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 2583/1.

5. Абул Баракот Насафий. Канз ад-дақиқ. II жилдда. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9243. – 326 б.

6. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 2005. III жилд. – 664 б.

7. Муҳаммад Хусайн Заҳабий. Ат-Тафсир ва-л-муфассирун. II жилдда. – Қоҳира, 1995.

8. Муҳаммад Шафиқ Ғирбол. Ал-Мавсуат ал-арабийа ал-муйассара. Дор ал-жайл ва-л-жамийа ал-мисрийа ли-нашр ал-маърифа ва-с-сақофа ал-олабийа нашриёти, 1995. I-II жилдлар. – 3060 б.

9. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафийа. – Қозон: Юсуфий нашриёти, 1319/1901. – 127 б.

10. Шамсуддин Довудий. Табақот ал-муфассирин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 2002. – 560 б.

11. Ҳожи Халифа (Мулла Котиб Чалабий). Кашф аз-зунун. II жилдда. Ал-Олам нашриёти, 1310/1892-3. – 662 б.

Абул Баракот Насафий асарлари

Тафсирга оид (1 та)

«Мадорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил» («Қуръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари») – مدارك التنزيل وحقائق التأويل – تفسير النسفي

Ақидага оид (4 та)

«Умдат ақидат аҳл ас-сунна ва-л-жамоа» («Аҳли сунна ва-л-жамоа ақидаси асоси»);

«Баҳр ал-калам» («Калом илми денгизи»); – بحر الكلام

«Умдат ал-ақоид» («Ақидалар асоси»);
«Ал-Итимод фи-л-ийтиқод» («Эътиқоддаги таянч») – عمدة العقائد – الإعتقاد في الإعتقاد

Фикҳга оид (5 та)

«Канз ад-дақоиқ» («Нозик масалалар ҳазинаси»); – كنز الدقائق

«Ал-Вофий» («Мукаммал»); – الوافي

«Ал-Кофий» («Кифоя қилувчи»); – الكافي

«Ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзумат ан-Насафийа» («Қиёсий ҳуқуқшуносликка оид Насафий назмининг Аниқланган номли шарҳи»); – المصطفى في شرح المنظومة النسفية في الخلاف

«Ал-Мустасфо фи шарҳ ан-нофи фи-л-фуруъ» («Фикҳга оид Нофининг Мукаммал номли шарҳи») – شرح النافع في الفروع

Усул ал-фикҳга оид (3 та)

«Ал-Манор» («Маёқ»); – المنار

«Кашф ал-асрор фи шарҳ ал-Манор» («ал-Манорнинг шарҳи Сирларни очиш»); – كشف الأسرار في شرح المنار

«Доират ал-вусул ила илм ал-усул» («Усул илмига етиш йўли») – دائرة الوصول إلى علم الأصول

«Тафсир ан-Насафий»да фойдаланилган манбалар

Манба турлари	Манба номлари ва уларнинг муаллифлари
Тафсир манбалари	Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон»; Ибн Жарир Табарийнинг «ал-Жомийъ ал-баён фи тафсир ал-Қуръон»; Алоуддин Самарқандийнинг «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон»; Абул Қосим Замахшарийнинг «ал-Кашшоф ён ҳақоиқ ғавомиз ат-танзил ва ʻуйун ал-ақовил фи вужуҳ ат-таъвил»; Қози Байзовийнинг «Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил»
Ҳадис манбалари	Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг «ал-Жомийъ ас-саҳиҳ»; Муслим ибн Ҳажжожнинг «Саҳиҳ Муслим»; Абу Муҳаммад Ҳусайн Бағавийнинг «Масобиҳ ас-сунна»; Абу Довуд, Аҳмад, Термизий, Ибн Можжаларнинг саҳиҳ, муснад ва сунанлари; Дайлабийнинг «Муснад ал-фирдавс»; Байҳақийнинг «Шаб ал-имон»; Табаронийнинг «ал-Кабир»
Қироат манбалари	Абдуллоҳ ибн Масуд мусҳафи; Қуфа, Басра, Шом, Макка ва Мадина аҳли мусҳафлари; Имом Мусҳафи («Усмон Мусҳафи»); Нофий мусҳафи; Ҳафса мусҳафи; «Ал-Ишора ва-л-башора» асари; «Ал-Вуқуф» асари
Фикҳий манбалар	Абул Юср Баздавийнинг «Усул ал-Баздавий»; Абул Баракот Насафийнинг «ал-Кофий» ва «Кашф ал-асрор фи шарҳ ал-Манор»
Наҳв ва луғат манбалари	Сивавайҳнинг «ал-Китоб» асари; Абул Бақо Акбарийнинг «ат-Тибён фи иъроб ал-Қуръон»; Жавҳарийнинг «ас-Сихоҳ»; Боқулий Зарирнинг «Кашф ал-музилот ва изоҳ ал-мушкилот»
Тарих манбалари	Табарийнинг «Тарих ат-Табарий»; Ибн Ҳишомнинг «Сийрат Ибн Ҳишом»

Тафсир китобида зикр қилинган олимлар

Саҳобалар	1) Абдуллоҳ ибн Аббос; 2) Абдуллоҳ ибн Масъуд; 3) Али ибн Абу Толиб; 4) Анас ибн Молик; 5) Убай ибн Каъб
Тобеъинлар	1) Абул Ҳаттоб Қатода ибн Даома; 2) Мужоҳид ибн Жабр; 3) Абу Саид Ҳасан Басрий; 4) Абу Абдурахмон Товус ибн Кайсон; 5) Саид ибн Жубайр Асадий; 6) Шурайх ибн Язид Ҳазрабий
Сунний мазҳаб имомлари	1) Абу Ҳанифа Нумон ибн Собит Куфий; 2) Абу Юсуф Яқуб ибн Иброҳим Ансорий; 3) Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний; 4) Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас; 5) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Шофий
Грамматик олимлар	1) Имом Сибавайх; 2) Халил ибн Аҳмад; 3) Имом Фарро Абу Закариё Яҳё Дайлабий ва бошқалар
Шоирлар	1) Роба ибн Ажжож; 2) Зоби Буржумий; 3) Нобиға Забёнӣ
Қорилар	1) Осим ибн Абу Нужуд; 2) Нофий ибн Абдурахмон; 3) Абу Амр ибн Аъла; 4) Ибн Омир; 5) Абдуллоҳ ибн Касир; 6) Кисоий; 7) Ҳамза
Бошқа олимлар	1) Муҳаммад ибн Ҳанафийа; 2) Боқир; 3) Шамсул-аимма Ҳалвоний; 4) Собит Баноний; Самарқанд ва Бухоро олимлари

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Абул Баракот Насафий ҳаёти ва ижоди.....	6
Асарлари.....	11
Мўътабар тафсир.....	18
Қуръонни тафсир қилиш услуби.....	26
Бошқа (ижтимоий ва аниқ) илмлар:.....	32
Ақидавий оятлар талқини.....	36
Нотўғри талқин қилинаётган баъзи оятларнинг тафсири.....	49
Фойдаланилган адабиётлар.....	58
Фойдаланилган манбалар.....	58
Иловалар.....	60

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

«Абул Баракот Насафий ҳаёти ва илмий ижоди»

**“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2013**

**Муҳаррир: Бобомурод Эралиев
Мусахҳих: Жалолиддин Жўраев
Саҳифаловчи: Зулхумор Улуғбекова**

**Нашриётнинг гувоҳнома руқами АИ № 224
Босишга 2013 йил 3 майда берилди.
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. 3,36. Нашр т. 3,38.
Адади 60 нусха. Буюртма № 33
Баҳоси шартнома асосида.**

**“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**

